Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 19-avgust, seshanba № 100 (3449)

Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахту саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир.

Ислом КАРИМОВ

Истиқлол йилларида халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланган ҳашар одати истиқлол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъанага айланди. Зеро, ҳашарлар пайтида маҳалла ҳудудларини, гузарлар, кўчалар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларни тартибга келтириш, ёлғиз қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш жамият тафаккурининг янгиланишида муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ҳашар ўзаро ёрдам, инсонпарварлик, олижаноблик, саховатпешалик каби эзгу туйғуларни ёшлар онгига сингдиришга хизмат қилади.



ЎзА суратлари

Ораста, обод жойнинг баракаси бисёрдир

Мамлакатимизда 16-17 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 17 миллиондан зиёд аҳоли иштирок этди.

Истиқлолнинг 23 йиллик байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, республиканинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўтказилаётган умумхалқ ҳашари юртимизнинг янада обод ва файзли бўлишида алоҳида ўрин тутади.

(Давоми 2-саҳифада).

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан

Шу куни Бухоро вилоят мусиқали драма театри кенг жамоатчилик вакиллари билан янада гавжум бўлди. Байрамона безатилган маҳобатли кошонада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида тадбир ўтказилди.

Эътибор ва ғамхўрлик

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева тўпланганларни қутлуғ шодиёна билан муборакбод этар экан, тарих учун ғоят қисқа муддатда мамлакатимиз эришган ютуқларга эътибор қаратди. Юртбошимизнинг доно ва одилона сиёсати ҳамда бевосита ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллагани, тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик туфайли давлатимизнинг иқтисодий барқарорлиги таъминланаётгани, халқимиз турмуш даражаси фаровонлашаётгани, оналар ва болаларга алоҳида эътибор кўрсатилаётгани қайд этиб ўтилди. Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишлар, вазифаларга ҳам атрофлича тўхталинди.

Тадбирда ёш оилаларнинг турмуш даражасини яхшилаш, аёлларнинг рўзғор ташвишларини енгиллаштириш ва шароитини яхшилаш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 136 нафар хотин-қизга электр маиший-техника жиҳозлари топширилди. Шу билан бирга олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган эҳтиёжманд оилаларнинг 14 нафар иқтидорли фарзандларига «Касаба уюшмалари стипендианти» сертификати берилди.

Мустақиллик йилларида хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар ходимларининг оилаларига манзилли ёрдам кўрсатилди. Бир гуруҳ эҳтиёжманд оилалар аёлларига саломатлигини тиклаш учун касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга имтиёзли ва бепул йўлланмалар топширилди.

Пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли санъаткорлар ва маҳаллий ёш ижрочиларнинг куй ва қўшиқлари тадбирга файз киритди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Шундай тадбир Самарқанддаги «Ёшлар маркази»да ҳам бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги тизимида хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди.

— Наврўз байрами арафасида кичик қизим шамоллаб шифохонага тушиб қолганди, — дейди Тойлоқ тумани Мирзаполвон қишлоғида яшовчи Салима Боботоева. — Шифохонага касаба уюшма вакиллари ташриф буюриб кўнглимизни кўтарди. Ташкилот томонидан ажратилган моддий кўмакни шу ерга етказиб беришганди. Гарчанд болаларим отасини йўқотган бўлса-да жамият ардоғини ҳис этиб яшаётир. Улар отасининг бекорга жон бермаганини, Ватан ўз фарзандларини сира унутмаслигини яхши англашади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан касаба уюшмаларининг қайноқ меҳри тафтини яна ҳис этиб турибмиз.

Шаҳардаги 22-мусиқа ва санъат мактабида Нуробод, Пастдарғом, Жомбой, Булунғур, Самарқанд, Ургут ва Тойлоқ туманларида истиқомат қилаётган 88 нафар эҳтиёжманд оила вакиллари учун ташкил этилган байрам тадбирлари ҳам барчанинг кайфиятини бирдек кўтарди. Улар учун самарқандлик санъаткорлар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Эҳтиёжманд оилалар аёлларига касаба уюшмалари томонидан ажратилган электр-маиший техника жиҳозлари топширилди. Шунингдек, олий ўқув юртлари ва коллежларда таҳсил олаётган 11 нафар иқтидорли талаба-ўқувчиларга касаба уюшма стипендиялари топширилди.

Мазкур тадбирларда Ўзекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этди.

* * *

Каттақўрғон туманида ўтказилган байрам тадбирида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров 10 та эҳтиёжманд оила, 1 нафар талабага Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ажратилган совғаларни топширди.

— Турмуш ўртоғим ҳарбий зобит эди. У Ватан олдидаги бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган, — дейди Каттақўрғон туманидаги Мойбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Гулчеҳра Эрназарова. — Бир ўғил, икки қизни вояга етказаяпман. Фарзандларим ҳам худди отасидек юртни севувчи, фидойи бўлишига шубҳам йўқ. Чунки улар юрт, жамият ардоғини ҳис қилиб ўсишаяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари байрамлар ва оммавий тантаналар арафасида янада авжига чиқади. Халқимиз бир тан-бир жон бўлиб, кўчаси, қишлоғи, шаҳарингина эмас, бутун мамлакатни обод этишдек эзгу мақсад билан ҳашарга отланади.

Ушбу ҳамжиҳатлик ва кўтаринкилик 16-17 август кунлари ўтказилган Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган умумхалқ ҳашарида яна бир бор намоён бўлди.

Юртбошимизнинг 2013 йил 5 июлдаги «2013-2014 йилларда иқтисодиёт тармоқлари, кўпқаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати ушбу масала юзасидан махсус қарор қабул қилган бўлиб, унга кўра, Тошкент шаҳридаги Миробод тумани касаба уюшмалари ҳомийлигига олинган. Ҳозирда тумандаги барча маҳаллаларда кўпқаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш изчиллик билан олиб бориляпти.

Куни кеча бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида Миробод туманида 102.800 нафар киши иштирок этди. 108,2 гектар майдон ободонлаштирилди. 160 км. ариқ ва зовурлар тозаланиб, 168 тонна чиқинди белгиланган жойга чиқариб ташланди. 4 та қабристон ободонлаштирилди. 20.560 туп дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Шу кунлари 74 та техника воситаси ободонлаштириш ишларига жалб этилди.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат мурувват ёрдами кўрсатилди. 18 кишининг уй-жойлари таъмирланиб, бу иш учун 6 млн.378 минг сўм сарфланди. Эҳтиёжманд оилаларга 4 млн. 297 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

***

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Миробод туманига қарашли «Шароф Рашидов», «Мовароуннаҳр» ва «Мингўрик» маҳаллалари оталиққа олинган. Кенгаш жамоаси ушбу маҳаллаларда ўтадиган хайрли ишларга бош-қош.

— Мазкур маҳаллалар ҳудудида 58 та кўп қаватли уйда 1976 та хонадон истиқомат қилади, — дейди кенгаш раиси ўринбосари Баҳодир Султонов. — 86 та ташкилот ва муассаса, 24 та савдо дўкони, 14 та умумий овқатланиш шохобчаси, бир нечта поликлиникалар, 3 та болалар боғчаси ва бошқа ўнлаб ижтимоий объектлар мавжуд. Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент автомобил йўллари институти, Москва Давлат университетининг филиали ҳамда тиббиёт коллежи ҳам шу ҳудудда жойлашган. Ҳашарда барча ташкилот ва корхоналарнинг жамоалари билан биргаликда аҳолининг аксарият қисми ҳам ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларида қатнашмоқда.

— Маҳалламиз аҳли ҳар қандай эзгу тадбирда фаол, — дейди «Шароф Рашидов» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Равшан Убайдуллаев, — Бу сафар икки кун мобайнида уйларнинг атрофини, йўлакларни тозалашдан ташқари, 110-умумтаълим ўрта мактаби ҳамда 389-, 398-мактабгача таълим муассасалари ҳудудида ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. 9 та болалар майдончасидаги болажонлар учун қурилган ускуна ва жиҳозлар созланиб, яна бир бор бўялади. Кўзни қувонтириб, кўнгилни обод қиладиган ушбу юмушлардан ҳеч ким четда қолгани йўқ.

— Ҳудуддаги кўп қаватли уйларнинг энг кўпи, яна 30 таси маҳалламизда жойлашган, — дейди «Мовароуннаҳр» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Карима Очилова, — Ҳашар арафасида фаоллар билан маслаҳатлашиб, уларни уйларга биркитдик. Аҳоли асосан уйларнинг атрофини, йўлакларини тозалаш, бўяш, таъмирлаш ишлари билан шуғулланди. Сантехниклар ёрдамида ертўлалардаги сув, оқава ва иситиш тизимлари яна бир бор кўздан кечирилди. Шу баҳонада қишки мавсумга тайёргарлик ишларини ҳам олиб бораяпмиз.

Мана шу кўтаринки руҳни бошқа маҳаллаларда яшовчилар билан суҳбатлашганда ҳам сездик.

(Давоми 3-саҳифада).

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур!» танловига

Тақдирни қўл билан яратур одам

Эътироф

Яккабоғ туманининг узоқ Ғуржоб қишлоғида дзюдо ва миллий кураш бўйича ўнлаб чемпионлар камолга етмоқда.

Таъкидлаш жоизки, дзюдомиз юлдузи, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, 90 килограмгача вазн тоифасида бир неча бор мамлакат чемпиони, 2012 йил Лондонда ўтган Олимпия ўйинлари иштирокчиси, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндори, «Катта дубулға» туркумига кирувчи қатор нуфузли халқаро турнирлар ғолиби Дилшод Чориев айнан шу қишлоқдан. Ватан байроғини сарбаланд этмоқ орзусидаги ёш курашсеварлар бу қишлоқда жуда кўп.

Сизга ёлғон, бизга чин, Ғуржобни айланиб юриб, кўчада бекор юрган болани учратмадик. Ҳатто ёзги таътил пайтида ҳам қишлоқдаги 37-умумтаълим мактабида ҳаёт қайнайди. Ёш полвонлар қўлбола «татами»ларнинг чангини чиқариб, навбатдаги мусобақага ҳозирлик кўришмоқда. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бунда фидойи мураббий, «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Абдурашид Бўриевнинг хизматлари катта.

Ота орзуси

Аслида, Абдурашид полвон Бўриев мураббий бўламан, деб ўйламаганди. Гарчи, акаси Парда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ўқиган ва укаси Абдурашидни ҳам турли тўйкурашларга олиб бориб, кураш туширган бўлса-да, ота орзуси бошқа эди. Тилов бобо Бўриев бир умр тракторчилик қилгани боис, ўғлининг ҳам шу касбни танлашини истаганди.

«Меҳнатдан чўчима, болам, мана мен ҳаётимни дала, хўжалик ишига бағишладим. Қора мойга ботсам-да, рўзғорим бут бўлди», деди отаси ўғлини ёнига чақириб. Шу тариқа Абдурашид Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалик билим юртига ҳужжат топширди.

(Давоми 2-саҳифада).

Давр билан ҳамнафас

Янгиликка бефарқ бўлмаган, юксак марраларни кўзлаган инсон борки, ҳамиша изланишга, билим ва тажрибасини бойитишга интилади. Касаба уюшмалари тизимида кейинги йилларда қўлга киритилаётган ютуқлар замирида ҳам намунали фаолият юритаётганлар тажрибасини оммалаштириш амалиёти турибди. Ўтган ҳафтада Наманган вилоятида фаолияти намунали йўлга қўйилган бошланғич ташкилотларда вилоятлараро ўзаро тажриба алмашув семинари ташкил этилиб, унда андижонлик ҳамда фарғоналик фаоллар иштирок этишди. Улар вилоятнинг Норин, Наманган, Косонсой туманлари ҳамда Наманган шаҳрида бўлишди.

Ҳамкорлик ҳосиласи

МУЪЖИЗАЛАР ДИЁРИ

Меҳмонларга даставвал қучоқ очган маскан Норин туманидаги 10-мактабгача таълим муассасаси бўлди. Нафақат вилоятда, ҳатто республика миқёсида танилган мазкур муассасани чин маънода мўъжизалар диёрига менгзаш мумкин.

37 нафар ходим 145 нафар болажоннинг мактаб остонасига тайёр ҳолда қадам қўйишлари учун тиним билмай меҳнат қилишмоқда. Бу йўлдаги фаолият беиз кетмаяпти, албатта. Жамоанинг 6 нафар аъзоси Халқ таълими аълочиси бўлиб, қатор республика кўрик-танловлари ғолиблигига эришган.

— «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган ҳикмат худдики касаба уюшма фаолларига қарата айтилгандек, — дейди муассаса касаба уюшма қўмитаси раиси Муқаддас Исмоилова. — Касаба уюшма етакчиси бўлганимдан сўнг англаган энг катта ҳақиқатим ҳам шу бўлди: одамларга яхшилик қилган инсон, албатта, бахт топар экан. Бундай ҳаёт ҳақиқатини мудира опамиздан ўрганмоқдамиз. Санобар опа Азимова 1983 йилдан бери муассасамизга раҳбарлик қилиб келаётир. Шу вақт мобайнида ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароити яратишнинг уддасидан чиқишга, ҳар бир ишловчини ижтимоий ҳимоялашнинг янги-янги йўлларини топишга эришилаётир. Ҳозирда муассасамизда лимонарий, гулхона ташкил этилган. 4 та қорамол ҳамда 100 та товуқ боқилиб, тузуккина даромад олиняпти. Ҳовлимизнинг ҳар қаричидан унумли фойдаланяпмиз. Мева-узумдан тортиб, резаворларгача ўзимиз етиштириб, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаяпмиз. Шунингдек, қўшимча даромад ҳисобига ходимлар рағбатлантирилмоқда, фаолиятимизни янги-янги қирралар билан бойитаяпмиз. Рус ва инглиз тили тўгаракларимиз аъзолари яхши натижага эришмоқда, ходимлар гимнастикаси хонасига керакли анжомлар харид қилинди, стол тенниси билан шуғулланиш учун шароит яратилди. Қишлоғимиз тарихи музейини ташкил қилгандик. Уни экспонатлар билан бойитиб келаяпмиз. Касаба уюшма қўмитаси хонаси намунали тарзда жиҳозланди. Дарвоқе, жамоамиздаги соғлом муҳит, ҳамфикрлик, елкадошлик туфайли қўмитамиз фаолияти республикада ҳам тилга олинди. Натижада, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг совғаси — замонавий компютерга эга бўлдик.

Муассасада семинар иштирокчилари эътиборини тортган яна бир муҳим жиҳат: бу ерда кераксиз нарсани ҳам нимагадир яратиш илми яхши эгалланган. Гулхоналар учун тўсиқлар эски баклашкалардан, эртак қаҳрамонлари эса қуриган ёхуд кексайган дарахт қолдиқларидан ясалиб, болажонларга эстетик завқ улашмоқда.

Дарҳақиқат, меҳнатнинг ҳар онини байрамга айлантириш инсоннинг ўз қўлида. Кўнгилда кўтаринки кайфият ҳукмрон бўлганда, эзгу ишларга рағбат уйғонаверади. 10-МТМнинг ҳар бир ходими бу ҳақиқатни яхши англаб етган, шунданми, семинар иштирокчилари кўтаринки кайфиятда навбатдаги намунали бошланғич ташкилотга йўл олишди.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

— Юртбошимиз эътироф этганидек, фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, Ватаннинг мард, фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Норин туман кенгаши раиси Гулбаҳор Маматқулова меҳмонларни 44-умумтаълим мактабига таклиф қилар экан. — Ушбу таълим масканида ёш авлод ва уларнинг таълим-тарбиясига масъул педагог-ходимлар учун ҳамма шароит мавжуд.

Давоми 4-саҳифада).

Ҳашар —
ЭЛГА ЯРАШАР

Ishonch
2014-yil 19-avgust № 100 (3449)

Тақдирни қўл билан яратур одам

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шаҳри Кешдаги ёғду

Абдурашиднинг ўқиши бир зайл давом этар, техника сирларини ҳам яхшигина ўрганиб қолган эди. Агар у самбо кураши бўйича билим юрти биринчилигида иштирок этиб, 52 килограмм вазн тоифасида ғолиб бўлмаганида ва мураббий Ражабали Бобоёровнинг эътиборига тушмаганида биз бугун моҳир механизатор ҳақида сўз юритарми эдик...

Оддий тракторчининг «спорт зали» кўрмаган ўғли анчадан бери шуғулланиб келаётган полвонларни йиқитгандаёқ Ражабали аканинг хаёлидан шу фикр ўтди: «Бўладиган бола экан, жиддий шуғулланиши керак. Яхши спортчи ва мураббий чиқиши мумкин. Усулларни аниқ ва тез бажаряпти».

Билим юртидаги уч йиллик таҳсил давомида устоз-шогирд ҳаваскорликдан профессионализм сари муҳим йўлни босиб ўтишди. Абдурашид туман ва вилоят биринчиликлари, «Пахтакор» спорт жамияти мусобақалари, анъанавий «Вечерний Ташкент» турнирларида иштирок этди, ғолиб ва совриндор бўлди.

Билим юртини тугатиш арафасида устоз шогирдини ёнига чорлаб, самимий тилагини билдирди: «Абдурашид, биласан, самбо кураши бўйича Яккабоғда мутахассис йўқ. Шунинг учун туманингга қайтиб боргач, ёшларни шуғуллантиришинг керак. Мен ҳам қўлимдан келган ёрдамимни бераман».

Мураббий далдаси ва ишончи ёш Абдурашидга куч берди. «Пахтакор» спорт жамиятига мураббий бўлиб ишга кирди ва тумандаги транспорт билим юрти спорт залида мураббийлик қила бошлади. Шунингдек, ўзи ҳам турли мусобақаларда қатнашиб, совринсиз қайтмайдиган бўлди.

Армон ва орзу

— Отам спорт билан шуғулланишимга муносабат билдириб, «Машғулотлар майиб қилади», дерди. Афсус, падаримга спорт-даги ютуқларимни кўриш насиб этмади, — Абдурашид полвон чуқур тин олиб сўз бошлади. — Пахта далаларига турли заҳарли дориларни сепиб, «жигар циррози»ни орттириб олди ва ҳаётдан эрта кўз юмди. Отамнинг пок хотираси учун ҳам спортни ҳаётим мазмунига айлантирдим. Ниятим, ҳеч ким касалликдан озор чекмасин. Авлодларимиз соғлом вояга етсин.

Абдурашид Бўриев кўп йиллар касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ишлади. Мақоламиз бошида тилга олган дзюдо юлдузи Дилшод Чориев ҳам касаба уюшма спортчиси.

Ҳалол меҳнатлар бесамар кетмади. 2006 йилда муҳтарам Юртбошимиз фармони билан Абдурашид Бўриев иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени ҳамда 2011 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Устоз шогирдлари ҳақида

Дилшод ўз устида тинимсиз ишлайди. Курашчига зарур барча хусусият ва иқтидор унда бор. Қолаверса, у тўйкурашларда ҳам чиройли курашади. Шунингдек, юртимизда спортга берилаётган эътибор туфайли Ғуржоб қишлоғида умидли ёшлар, бўлажак Дилшодлар кўп. Ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги ғолиб ва совриндорлари, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида зафар қучган Маъруф Хидиров, Муҳриддин Тиловов, Отабек Кенжаев, Азизбек Ашуров, Жамол Рўзиқулов, Шерхон Ражабов, Нодир Исмоилов, Ҳумоюн Сувонов, Учқун ва Уйғун Бегимов каби эртамиз эгаларидан умидимиз катта. Аввало, юрт шаънини шарафлайдиган кучли спортчи, ҳеч бўлмаганда жамиятга нафи тегадиган комил инсонлар вояга етса, мақсадимизга эришган бўламиз.

Яхши одам етакчи бўлади

— Абдурашид Бўриевдаги меҳнатсеварлик ва ўзгалар дарди билан яшаш фазилати сабаб унга яна бир масъулиятли вазифа ишониб топширилган, — дея суҳбатга қўшилди 37-умумтаълим мактаби директори Жуманазар Қурбонов. — Яъни, Бўриев мактабимиз бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси. Қайси ходимда бирор муаммо туғилса, биз уни Абдурашиджон орқали билиб оламиз. У киши маъмуриятга учрашади, масалани кўтариб, ечимини охирига етказмасдан қўймайди. Тез-тез таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ туман кенгаши билан боғланиб, мактаб жамоасининг турли тадбирларда, спорт мусобақаларида фаол иштирокини таъминлайди.

Бўриевнинг ташкилотчилик қобилияти сабаб кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Хотира ва қадрлаш куни арафасида устозимиз Тоҳиржон Сувонов хотирасига бағишлаб мини футбол турнирини ўтказишда бош-қош бўлди. Айнан унинг ташаббуси билан мактаб ҳовлисида 300 тупдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, касаба уюшма боғи ташкил қилинди. Шунингдек, Абдурашид намунали оила бошлиғи ҳамдир. Тўнғич ўғли Яшнарбек самбо кураши бўйича Осиё чемпиони. Айни пайтда тумандаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий. Муҳриддини ҳам интилувчан спортчи.

Мактабимиз ўқувчилари жисмоний тарбия ва спорт, шунингдек, математика фани бўйича вилоят ва республика миқёсида яхши натижаларга эришиб келмоқда. Футбол, волейбол, стол тенниси, кураш тўғараклари доимий равишда ишлайди.

Яна шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, мактабимизда «Тарих музейи» мавжуд бўлиб, уни асраб-авайлаш, қадимий экспонатлар билан бойитишда ҳам Абдурашид Бўриев жонбозлик кўрсатади.

Жорий йилда қишлоғимизда республика маънавият кунлари тадбири ташкил этилди ва таширф буюрган меҳмонлар Ғуржобга «чемпионлар қишлоғи» дея таъриф беришди. Бу ҳам ҳар бир ғуржобликнинг қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

Камчиликлар ҳам йўқ эмас

37-умумтаълим мактабининг спорт залига кириб, биринчи навбатда залнинг ҳолати, спорт инвентарларига эътибор қаратдим. Чунки, спортда машғулот жойи ва анжомларнинг етарли бўлишида гап кўп. Спорт залининг ҳолати яхши бўлса-да, ҳаво алмаштиргич йўқ экан. Курашчилар шуғулланаётган гилам қўлбола бўлиб, Абдурашид аканинг қизлари тайёрлашган экан. Анча пишиқ ва текис тайёрланган. Бироқ барибир икки-учта гуруҳ шуғулланганидан кейин замонавий татамининг ўрни билинади. Татами бўлса, Ғуржобда нафақат маънавият кунлари, балки турли кураш мусобақалари ўтказишнинг имкони бўлармиди?

Бизга билдиришича, мактаб 2015 йилда капитал реконструкция қилинаркан. Демак, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раҳбарлари намунали мактабга зарур анжомларни ажратиш масаласини ўйлаб кўришса, айни муддао бўларди.

Хулоса

Спорт заллари қачон гавжум бўлади? Қачонки, мураббий ўз вақтида машғулотларни ташкил этса, имкон топиб, шогирдларининг мусобақаларда иштирокини таъминласа ва издошларини ғалабалар сари етаклай олса. Абдурашид акада юқоридаги фазилатларнинг барчасини кўриш мумкин.

— Хурсандман, шогирдларим юзимни ерга қаратмаяпти. Спорт билан шуғулланиб, дунё танияпти. Қарши, Самарқанд ва Тошкентдаги Олимпия захиралари коллежларида, турли олий ўқув юртларида ўнлаб ўқувчиларим таҳсил олмоқда. Уларга эргашган кичик ёшлилар руҳида ҳам собитлик кўринади. Биз ота-она ва мураббийларга бундан ортиқ яна нима керак?! — дея дил сўзларини баён этди мураббий.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 августдаги фармойишига биноан мамлакатимизда эълон қилинган Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасида ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашари барча қишлоқ, овул, шаҳар ва маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим масканларида уюшқоқлик билан ўтказилди. Икки кун давомида ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан ўттиз етти минг гектардан зиёд майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қарийб йигирма беш минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди. Ҳашар кунлари халқимизнинг меҳр-мурувват, беғараз ёрдам, саховатпешалик каби эзгу хислатлари яққол намоён бўлди. Жумладан, кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, мурувват ёрдами кўрсатилди. Маҳалла ва ҳомийлар кўмагида камхарж оилалар фарзандларининг хатна тўйлари ўтказилди. Ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган фуқароларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Ораста, обод жойнинг

АНДИЖОН. Андижонликлар умумхалқ хайрия ҳашарини кўтаринки руҳда, ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан ташкил этишди. Икки кун давомида шаҳар ва туманлардаги 2 минг 873 гектар майдон тозаланиб, 1925 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тартибга келтирилди. 600 та техника ёрдамида 3 минг 71 тоннага яқин маиший чиқинди чекка жойларга олиб чиқилди. Бу юмушларни адо этишда 2 млн. 645 мингдан зиёд аҳоли вакиллари иштирок этди.

— Халқимиз азалдан яшаётган ҳудудини, хонадонини покиза, озода тутишга ўрганган, — дейди «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби, Андижон туманидаги «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қурбоной Йўлдошева. — Ораста жойда, албатта, файз, барака бўлади. Шу боис маҳалламизда катта-ю кичик иштирокида мана шундай ободонлаштириш кунларини тез-тез ўтказиш одатий ҳолга айланган.

Ҳашар доирасида вилоят маркази ҳамда туманлардаги қатор кўчаларга манзарали дарахтлар, турфа гуллар ўтқазилди. Бу борада, айниқса, Андижон туманининг Ҳакан қишлоғидаги Нўъмонжон ота Абдураҳмонов, Олтинкўл тумани Кўмакай қишлоғидаги Жасурбек Темиров хонадонларида парваришланиб, буюртма асосида жойларга етказиб берилган бир неча турдаги ноёб ва анвойи гуллар, Пахтаобод туманидаги ўрмончиликка ихтисослашган «Сайдулло» фермер хўжалигида маҳаллий иқлимга мослаштирилган ўн хилдан зиёд манзарали дарахтлар вилоят кўркига кўрк қўшди.

Ҳашар доирасида 1 минг 300 дан ортиқ эҳтиёжманд, имконияти чекланган кишиларнинг уй-жойлари таъмирланди. Бунинг учун «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 116 млн. сўмлик маблағи йўналтирилди. 720 та эҳтиёжманд оилага эса фонд ва ҳомийлар томонидан 46 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

НАМАНГАН. Наманганда ҳам ҳашар кўтаринки руҳда ташкил этилди. Ҳар бир туман аҳолиси уюшқоқлик билан ободонлаштириш ишларига ҳисса қўшди.

— Янгиқўрғон туманидаги 71 та МФЙ, 63 та умумтаълим мактаби, 9 та касб-ҳунар коллежи, 39 та мактабгача таълим муассасаси, бошқа корхона ва ташкилотларда ишловчи 78650 дан ортиқ аҳоли кенг жалб қилинди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Янгиқўрғон туман кенгаши раиси Нигора Абдураҳмонова. — Ҳашар кунларида Наманган-Янгиқўрғон, Янгиқўрғон-Нанай, Янгиқўрғон-Бекобод йўналишидаги жами 65 км. катта йўл трассаларида ҳашар ўтказилиб, 119,5 га майдон ободонлаштирилди. Шунингдек, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофлари, туман марказидаги маданият ва истироҳат боғида, 12 та гузар ва хиёбон, 80 та қабристонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Катта йўл ва ички йўллар четларидаги 102,3 км. ариқ ва лотоклар тозаланди, 2350 туп дарахт кўчатларига шакл берилиб, оқланди. 145,3 тоннадан ортиқ маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. 219 нафар ёлғиз қария, эҳтиёжмандларнинг уй-жойларини жорий таъмирлашда кўмаклашилди. Туман бўйича 321 нафар эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди, жумладан, касаба уюшмаси туман кенгашлари томонидан 55 нафар эҳтиёжманд, кекса, бемор касаба уюшма аъзолари ҳолидан манзилли хабар олинди ва 17 млн. 360 минг сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

СИРДАРЁ. Ушбу тадбир Сирдарё вилоятида ўзига хос байрам тадоригига айланиб кетди. Барча ташкилот, муассаса, корхона, шунингдек, фуқаролар йиғинлари ҳудудида ҳашарлар уюшқоқлик билан ташкил этилиб, унда 425399 нафардан зиёд юртдошимиз қатнашди, шулардан 250990 нафари ёшлар эканлиги қувонарлидир.

Икки кун давомида юрт юмушига бел боғлаган ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан 1453 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 736,1 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, 155 та зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди. 331606 туп дарахтларга шакл берилди ва оқланди.

Вилоят бўйича 154 та кекса ва ногирон, ёлғиз қария, боқувчисини йўқотганлар, эҳтиёжманд оилаларнинг 12264,2 квадрат метр ҳажмдаги турар жойлари таъмирланди. Кўмакка муҳтож оилалар, ногирон ва ёлғиз кексаларга 15878 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

ЖИЗЗАХ. — Икки кунлик тадбир вилоятимизда ҳам ғоят уюшқоқлик ва кўтаринкиликда ўтди, — дейди Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Эркин Умурзоқов. — Жойлардаги касаба уюшма фаоллари алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Вилоятда 918.560 киши меҳнат байрамида фаол иштирок этган бўлса, шундан 603.370 нафари ёшлар. Икки кун давомида кенг кўламли ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишлари олиб борилди. 1070 га майдон ободонлаштирилди, 3091 тонна маиший чиқинди ташилиб, 1129 километрли ариқ-зовурлар тозаланди, 437 та қабристон, 138 та зиёратгоҳда ободонлаштириш ишлари бажарилди. 1 миллион 217,1 минг туп дарахтга шакл берилди. Бу ишларни бажаришга 1077 та техника жалб этилди.

Ижтимоий кўмакка муҳтож 1066 та оиланинг 56.120 квадрат-метр ҳажмдаги турар жойи таъмирлаб берилди. 1241 оилага, шу жумладан, 418 нафар ногирон, ёлғиз қариялларга 86 млн. 870 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

САМАРҚАНД. Умумхалқ ҳашари Самарқандда ўзгача қаршиланди. Умумхалқ ҳашарида 1 млн. 769 минг нафардан ортиқ киши иштирок этди. Уларнинг 1 млн. 132 минг нафардан ошиғи ёшлардир.

Ҳашар давомида 2 минг 437 гектар майдон ва хиёбонларга ораста-лик олиб кирилди. 3 млн. 648 туп дарахт оқланиб, шакл берилди. Ҳудуддаги 4 минг 343,3 километр ариқ ва сув шохобчалари тозаланди. 5 минг 62,4 тонна маиший чиқинди махсус жойларга ташиб чиқарилди. Ҳашарчилар ғайрати боис 66 та зиёратгоҳ, 1414 та қабристон ўт-ўланлардан тозаланди, атрофи тартибга келтирилди. Юмушларни бажаришда 1768 та техника ва агрегатдан фойдаланилди.

Ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғиз қарияларга тегишли 3171 та уй-жой таъмирдан чиқарилди. 1684 нафар эҳтиёжманд, 485 нафар ногиронга моддий кўмак кўрсатилди.

— Ҳашарда касаба уюшма вакиллари ҳам фаол иштирок этди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Анвар Шерматов. — Қарийб минга яқин фаоллар турли ҳудудларда ишни ташкил этиш, хайрия тадбирларини ўтказишга бош-қош бўлди.

БУХОРО. Умумхалқ хайрия ҳашарида тозалик, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб, якдиллик, уюшқоқлик намуналарини намойиш этилди.

Ҳашарида 833899 нафар аҳоли қатнашди. Меҳнат байрами кунлари 1489 гектар майдон ободонлаштирилди. 4952 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга чиқариб ташланди. 27 та зиёратгоҳ, 909 та қабристон ободонлаштирилди. 412 мингга яқин дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Йўл ва кўприклар тартибга келтирилди.

— Энг улуғ ва энг азиз байрамизнинг барча хонадонларга бирдек файз киритишини таъминлаш мақсадида белгиланган чора-тадбирларга тўлиқ амал қилинди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Маҳмуд Тоиров. — Аҳиллик ва ҳамжиҳатликда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат мурувват ёрдамларини кўрсатдик.

Дарҳақиқат, ҳашар кунларида 176 нафар эҳтиёжманд оиланинг 7574 квадрат метр уй-жойлари таъмирлаб берилди. Моддий ёрдамга муҳтож 1432 оилага (ногирон ва якка-ёлғиз қарияларга) 161,3 миллион сўмлик кўмак берилди.

НАВОИЙ. Вилоятнинг шаҳару туманларида 507.521 нафар фуқаро ҳашарда иштирок этди. Тадбир давомида 1.966 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 1.630 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган ҳудудларга чиқариб ташланди. 699 км. ариқ ва лотоклар тозаланди. 394 та қабристон, 48 та зиёратгоҳ ораста ҳолатга келтирилди. 333.068 туп манзарали ва мевали дарахтлар оқланиб, шакл берилди.

202 та эҳтиёжманд оила хонадонлари таъмирланиб, бу хайрли амалларга 17,503 минг сўм сарфланди. Барча ташкилий ишлар ижросига 650 та техника воситаси жалб қилинди. 1,174 нафар эҳтиёжманд, кўмакка муҳтожларга меҳр-саховат кўрсатилди. Уларнинг 288 нафари ногирон ва ёлғиз яшовчи қариялардир.

ҚАШҚАДАРЁ. Ҳашарнинг биринчи куни корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 232410 нафар ходим томонидан 531 тоннадан зиёд маиший чиқиндилар олиб чиқилди. 85,5 км.дан ортиқ ариқ, зовур ва кўчалар тозаланди. Корхоналарда меҳнат қилиб, ҳозир нафақада бўлган кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш учун транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси томонидан 42,5 млн. сўм маблағ сарфланди.

— Ҳашарда корхонамиздан 1500 нафардан ошиқ ходим фаол иштирок этди, — деди «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматов. — Хайрия ишларини давом эттирган ҳолда, байрам арафасида 50 нафар эҳтиёжманд оила фарзандининг суннат тўйлари ўтказилса, 86 нафар юбилей ёшидаги ходим муносиб тақдирланади. Шунингдек, 700 нафардан ошиқ нафақадаги ходим ҳамда ногирон фахрийлар, «Меҳрибонлик» уйи, «Гўдаклар уйи» тарбияланувчиларига озиқ-овқат жамланмалари тарқатиш режалаштирилган.

СУРХОНДАРЁ. Икки кунлик ободонлик юмушларида 1 млн. нафардан ортиқ сурхондарёликлар фаол иштирок этди. Шундан 600 минг нафардан ортиғи ёшлар. Ҳашарчиларнинг ғайрати билан гузарлар, зиёратгоҳу қабристонлар тартибга келтирилиб, боғ ва гулзорларга шакл берилди.

— Ҳашар кунлари Термиз шаҳри ва туманлар марказлари, ҳар бир маҳалла, шаҳарчалардаги кўчалар ва ҳовлилар тозаланиб, хиёбон ва майдонларда ободонлаштириш ишлари изчиллик билан давом эттирилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов. — Шунингдек, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, якка-ёлғизлар, етимлар, беморлар ҳолидан хабар олинди. 120 та қишлоқ, 820 дан ортиқ маҳалла ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳудудлари тозаланди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Орол бўйининг меҳнатга чанқоқ аҳли ҳам саховатга тўла, меҳр-мурувватли тадбирда уюшқоқлик билан қатнашди.

— Ҳашар асрлар давомида, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган эзгу анъаналаримиздан биридир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқарув раиси Кўжабой Илмуратов. — Биринчи куннинг ўзида 776066 нафар одам тадбирда иштирок этди. Ҳашарга чиққан 426836 нафар ёш ёрдами билан кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди.

16 август куни 1060 гектар майдон ободонлаштирилиб, 581 километр ариқ-зовурлар тозаланди. Ўша куни 1278 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга чиқарилди, 281 та қабристон, 17 та зиёратгоҳда тозалаш ишлари амалга оширилди. Жами 522 минг 852 туп ҳар хил мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

278 нафар ногирон ва ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига 20154,5 минг сўмлик ҳар хил ёрдамлар берилди.

ХОРАЗМ. Воҳада 720 мингдан зиёд аҳоли кўмагида 2908 гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди, 1310 километрдан ортиқ ариқ ва лотоклар тозаланди. 567 қабристон, 37 зиёратгоҳда ҳам ободонлаштириш тадбирлари уюштирилди. Айниқса, боғларга ишлов беришга алоҳида эътибор қаратилди. 1586 дарахтга шакл берилди. 5797 тонна маиший чиқинди чиқариб ташланди. Шу ўринда кейинги йилларда Урганчда махсус санитар-тозалаш техникалари кўпайиб, шаҳар ободлигига муносиб ҳисса қўшаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган 883 хонадонда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шу мақсадда 34 млн. 813 минг сўм маблағ сарфланди. 1352 оилага ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ҳашар кунлари бир қатор янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Ушбу хайрли тадбирларда касаба уюшма ходимлари, фаоллари муносиб қатнашди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Умумхалқ ҳашари Тошкент вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ўтди. Маҳаллалар, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда, уй-жой мулкдорлари ширкатларида ғоятда кўтаринки руҳда ташкил этилган ҳашарда 1.591.105 киши қатнашди.

Вилоят ҳудудидаги 8155 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 4442 км. узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди, 773 зиёратгоҳ ҳамда қабристон ободонлаштирилди. Турар жойлар ҳамда йўл ёқаларидаги 995.285 та дарахтга шакл берилиб, оқланди. 1624 та техника ёрдамида 7826 тонна маиший ҳамда қурилиш чиқиндилари белгиланган жойга чиқариб ташланди. Кўплаб ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 930 нафар эҳтиёжманд, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳамда 91 нафар якка-ёлғиз кексага112 нафар ногиронга мурувват ёрдами кўрсатилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Ҳашар кунлари пойтахтдаги ташкилот, муассаса ва корхоналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим-тарбия ҳамда тиббиёт муассасаларида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 1156 гектар майдон тартибга келтирилди. 976,4 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди. 80 та зиёратгоҳ ҳамда қабристон ораста ҳолатга келтирилди. 219,8 минг туп дарахтга шакл берилиб, оқланди.

Шу билан бирга, меҳр-мурувват ишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. 188 та кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилаларнинг 11.486 квадрат метр ҳажмдаги турар жойлари таъмирдан чиқарилди. Кўмакка муҳтожларга 45,2 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу каби ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари ҳудудлардаги барча маҳаллаларда амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиздаги улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларига уйғун тарзда ўтган умумхалқ ҳашари халқимизга хос ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, яратувчилик каби боқий қадриятларимизнинг, тинч-осойишта ҳаётимиз ва фаровон турмушимизга шукроналигимизнинг амалдаги намойишига айланди.

Ўз мухбирларимиз

ТОМЧИДА ҚУЁШ

Ҳашар — тозалашмас ариқ шунчаки,
Шох-шабба чилпиш-у кўча супуриш.
Ҳеч ким бермаса-да ҳеч кимга дакки,
Ярашмагай асло валақлаб юриш.

Ҳарна-да бир тошча тушса жойига,
Ё олиб ташланса ҳавзадан чўпак.
Пояндоз солса ҳам арзир пойига
Машъал бўла олса қайси бир юрак.

Ҳикмат — акс этиши томчида қуёш,
Тенг қилиб яралган аввалдан барча.
Кўпнинг юмушига қўшса кимки бош,
Кўпнинг бири бўлур,
Толе бу нарса!

Яккаланиб қолмас ҳеч қачон киши,
Ниҳол экса, турар қўшни сув қуйиб.
Ҳамжиҳатлик билан қилинган ишни
Бошга кўтармишдир барака суйиб.

Ҳашар — тозалашмас ариқ шунчаки...

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

Санаторийлар ҳудудида ва улар жойлашган маҳаллаларда санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларида Санатор-курортлар бошқармаси ва унинг тасарруфидаги сиҳатгоҳлар ходимларининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

САНАТОРИЙЛАРДА

Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги 15 та санаторий ва 2 та дам олиш масканида ҳашар ташкил этилиб, унда икки ярим мингдан ортиқ ходим иштирок этди. Ҳашар давомида санаторий ва дам олиш масканлари ҳудудларидаги ариқлар, кўча ва йўлакларда ободонлаштириш ва тозалик тадбирлари ташкил этилди, дарахтлар оқланди. Ишхоналарни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди. Санаторийларда меҳнат қилиб ҳозирда нафақада бўлган, эҳтиёжманд оилалар, кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди.

Бундан ташқари, бошқарма ходимларининг 23 нафари Миробод туманидаги «Биродарлик» ва «Дўстлик» маҳаллаларининг 247 нафар аҳолиси билан баҳамжиҳат ҳашар уюштирди. 6, 8, 11, 11/1, 12/1, 36, 202, 204-кўпқаватли уйлар атрофидаги болалар майдончалари, ариқлар, ирригация тармоқлари тозаланди, дарахтлар оқланиб, шакл берилди. 18 та кўчанинг кўп қаватли уйлари кириш йўлаклари тартибга келтирилди.

Ўз мухбиримиз

Ishonch
2014-yil 19-avgust № 100 (3449)

Ҳашар —
ЭЛГА ЯРАШАР

баракаси бисёрдир

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

«Сарикўл» маҳалла фуқаролари йиғинида ҳам умумхалқ ҳашари юқори кайфиятда, уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳудудда истиқомат қилувчи 15 дан ортиқ миллат вакиллари, корхона-ташкилотлар ходимлари, ҳашарчилар бир ёқадан бош чиқариб ободонлаштириш ишлари билан шуғулланди.

— Маҳалламизда 1100 та хонадон бўлиб, аҳолимиз саранжом-саришталикка одатланган, — дейди МФЙ раиси Хурсаной Авазова. — Ҳашарлар, жамоат тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилади. Бу гал ҳам кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан барча ариқлар тозаланди. Уларнинг атрофидаги ёввойи ўтлар ўрилиб, дарахтларга шакл берилди, оқланди. Қабристон, масжид ҳудуди, йўллардаги чиқиндилар махсус ажратилган транспорт воситалари ёрдамида олиб чиқиб ташланди. Кўчалардаги куйган чироқлар алмаштирилди. Шу ўринда жорий йилда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва биноларни таъмирлаш борасида катта ишлар қилинганини таъкидламоқчиман. Жумладан, ҳудудимиздаги Фидоийлар кўчасидаги 19 та кўпқаватли тураржой биносининг том қисми юмшоқ қопламали полизол билан тўлиқ қайтадан ёпилди. Банкдан олинган 25 миллион сўм кредит эвазига уйнинг иссиқ, совуқ сув билан таъминлаш тизими таъмирланди. Кириш жойларига кодли қулфлар ўрнатилди. Бугунги ҳашарда ушбу уйда истиқомат қиладиган фуқаролар бинонинг фасад қисмини таъмирилаётган ишчиларга кўмаклашди.

Шу куни маҳалла ҳудудида жойлашган корхона-ташкилотлар ходимлари ҳам ҳашарда фаол қатнашди. Жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» ДТАКга қарашли болалар шифохонаси вакиллари аҳоли билан бирга деворларни оқлаш, ариқларни тозалашда иштирок этди.

— Маҳалла аҳолиси билан доимо ҳамжиҳатликда иш кўрамиз, — дейди шифохона хўжалик ишлари мудири Ширинхон Шарипова. — Шифокорларимиз доимо эл хизматида. Кексаларнинг қон босими ошадими, бировга шошилинч тиббий ёрдам керак бўладими, маҳалладагилар дарров бизга мурожаат қилишади. Шифохона тадбирларида маҳалла фаоллари доимо камарбаста. Бундан ташқари, маҳалла ёшларига ОИТС касаллиги, гиёҳвандлик, алкоголизм, кашандаликнинг зарарли оқибатлари тўғрисида тушунтириш олиб борилади. Бугунги ҳашарда ҳам ана шу ҳамжиҳатлик кўзга ташланди. 196 нафар ходимимиз томонидан 350 туп гул кўчатлари ўтказилди.

Шу куни маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилалар, кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Уларга маҳалла ва ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган совғалар топширилди. Ҳашарчилар ушбу хонадонлардаги юмушларни бажаришда оила аъзоларига кўмак берди.

— Эҳтиёжманд кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳиммат кўрсатиш катта савоб ҳисобланади, — дейди маҳалла ҳудудидаги Ал-Бадр масжиди имоми Одилжон Холмуродов. — Бундан ташқари, поклик имоннинг кўпригидир, дейилади муқаддас китобларда. Шундай экан, атроф-муҳитни озода сақлаш ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир. Бугун маҳалламиздаги барча аҳоли — ёшу қари Истиқлолнинг қутлуғ тўйини муносиб кутиб олиш учун бир ёқадан бош чиқариб, ҳашар қиляпти. Масжидимиз ёнгинасида II жаҳон урушида ҳалок бўлган маҳалла ўғлонлари шарафига бунёд қилинган хотира майдони бор. Ҳашарчилар ана шу майдонни ободонлаштириш учун эўр ғайрат кўрсатишди. Майдон супирилиб, ёввойи ўтлардан тозаланди. Гулларга сув қуйилди. Дарахтларга шакл берилди. Шу каби ободонлаштириш ишлари қабристон ҳудудида ҳам олиб борилди.

* * *

Халқимизнинг азалий анъанаси бўлган ҳашар ободликка, саришталикка интилишдан далолат.

Жумладан, «Файзиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида бунга ўзимиз шоҳид бўлдик. Қолаверса, ҳудуд ободлиги ва фаровонлиги йўлида жонкуярлик билан олиб борилаётган иш муносиб тақдирланаётганидан хабар топдик. Чунончи, жорий йилда ташкил этилган «Энг намунали маҳалла фуқаролар йиғини» кўрик-танловининг туман босқичида биринчи даражали дипломга лойиқ кўрилди. Шунингдек, «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида «Маҳаллада оилалар мустаҳкамлиги, турмуш ободлигини таъминлашда самарали фаолият юритаётган фуқаролар йиғини» номинациясида ғолиблик насиб этди.

Маҳалла аҳли билан суҳбатда бўлганимизда, улар сўзида, кўзида истиқлол берган имкониятларга, бугунги дориламон кунларга нисбатан шукроналик ифодаси балқиб турарди.

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари кишига чексиз фахр бағишлайди, — дейди меҳнат фахрийси Миразиз Акбаров. — Тадбиркор сифатида республикамизнинг кўпгина ҳудудларида бўлганман. У ерлардаги ислоҳотлар жараёнини кўриб, узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсат нечоғлик тўғри эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламан. Бугунги ҳашарда аҳолининг кўтаринки кайфиятда иштирок этаётганида ҳам она-Ватанга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат мужассам.

Маҳаллада келажагимиз эгаларининг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун яратилган имкониятларга ҳам ҳавас қилса арзийди. Вояга етмаганларни спортга жалб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида маҳалла сардори Анвар Исломов қуйидагиларни гапириб берди:

— Маҳалладошларимизнинг спортга иштиёқи баланд. Шу боис болаларнинг спорт билан шуғулланишига алоҳида эътибор қаратилади. Фарзандларимиз маҳаллараро ўтказиладиган кураш, теннис, шахмат-шашка, бокс, футбол каби мусобақаларда ҳамиша фаол. Турли кубок ва медаллар қўлга киритилган. Жумладан, «Футболимиз келажаги» турнирида туманда биринчи, шаҳар босқичида учинчи ўринга эришдик. МФЙ биноси ёнидаги суньий қопламали футбол майдони ҳам болаларнинг юқоридаги каби муваффақиятларга эришишига замин яратмоқда.

Бугуни кунда маҳаллага катта эътибор қаратилган бир пайтда етакчиларнинг масъулияти янада ошди. Буни чуқур ҳис этган МФЙ раиси Тўхтапўлат Содиқов узоқ йиллар маҳаллага бош бўлиш баробарида, аҳоли дарди билан яшаб келаётган фидойилардан.

МФЙ биносида барча имконият ва шароит мавжудлиги эътиборимизни тортди. Йўлакка бўш иш ўринлари, тадбиркорлик фаолияти, маҳалла тарихидан сўзловчи стендлар илиб қўйилган. Айниқса, ходимларнинг иши тушиб келган фуқароларга нисбатан илиқ муносабати фаолиятнинг яхши йўлга қўйилганидан дарак беради.

Ўтказилган ҳашар якуни бўйича МФЙ раиси бизга қуйидагича маълумот берди:

— Умумхалқ ҳашарида ҳудудимиздаги мактаб, тиббиёт муассасаси, корхона ва ташкилотлари ишчи-хизматчилари ҳамда маҳалла фуқаролари фаол иштирок этишди. Улар томонидан маҳалла ҳудудидаги «Фарғона йўли» ва «Янги Қўйлиқ» шоҳ кўчалари, ички кўча ва ариқлар тозаланди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Маҳалла ҳудудидаги қабристон ва масжид ободонлаштирилди. Яна бир қувонарли томони, ҳашар арафасида ҳомийлик асосида 200 квадрат метр йўлга асфалт ётқизилди.

Дарвоқе, «Сарикўл» ва «Файзиобод» маҳаллаларида ташкил этилган ҳашарда таҳририятимиз ходимлари ҳам фаол қатнашишди.

* * *

«Матонат» МФЙ ҳудудида ўтказилган ҳашарда Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ходимлари иштирок этди.

— Касаба уюшмаси ходимлари ҳашарда намуна кўрсатишди, — дейди МФЙ раиси Ҳасан Ахмедов. — Жумладан, улар иштирокида мавжуд саккизта кўпқаватли уй ва 215 та хонадон атрофлари, ариқ ва зовурлар тозаланди. Дарахт шохлари буталиб, чиқиндилар махсус транспортларда олиб кетилди.

* * *

Хонадонимизга ташриф буюрган меҳмон, аввало, тўкин дастурхон ёки тансиқ таомимизга эмас, балки уйимизнинг саранжом-саришталиги, ҳовлининг кўркамлигига эътибор қаратади.

Пойтахтимизнинг Миробод тумани «Янги замон» маҳалласидаги фусункор кўчалар, йўлларга экилган ранго-ранг гуллар, ҳовлилар атрофида бўй чўзиб турган турли манзарали ва мевали дарахтлар бир қарашдаёқ бу масканда чинакам табиат шайдолари яшаса керак, деган фикр уйғотади. Умумхалқ ҳашари натижасида ҳудуд бетакрор манзара касб этди.

— Юртимизда миллий байрамлар арафасида уюштириладиган ҳашарлар ободонлаштириш омилигина бўлиб қолмай, инсонларни жипслаштириб, ҳамжиҳатликка ундайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ниғматжон Бекназаров. — Бу йилги ҳашар тадбирида нафақат маҳалла фаоллари, балки корхона ва ташкилот ходимлари, коллеж ўқувчилари, касаба уюшмалари вакиллари ҳам фаол қатнашишди. Шунингдек, ТошИЭС унитар корхонаси ишчи-ходимлари ҳашарчиларга кўмак бериш билан чекланмай, ёрдамчи хўжаликда етиштирилган озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этишди. Маҳалламиз ҳудудида компютер технологиялари касб-ҳунар коллежи, мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Улар ҳам хайрли ишларимизда доимо камарбаста бўлишмоқда.

— Қуш уясида кўрганини қилади, дея бежиз айтишмаган, — дейди маҳалла фаоли Мадамин Аҳмадажонов. — Бизга ҳам меҳнатсеварлик борасида ота-онамиз, ёши катта маҳалладошларимиз ўрнак бўлишган. Бугунги кунда эса ўзимиз ёшларни табиатни, заминимизни асрабавайлаш руҳида тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз. Маҳалламизда «Энг обод хонадон», «Энг жонкуяр кўча бошлиғи» каби танловларни мунтазам ташкил этиб, барчани теварак-атрофни, яшаб турган масканини тоза-озода тутишга чорлаяпмиз. Бугунги ҳашарда ҳам ёшлар иштирокида дарахтларга шакл берилиб, кўп қаватли уйлар атрофида йиғилиб қолган чиқиндилар олиб ташланди. 4 та болалар майдончаси тартибга келтирилди.

— Маҳалламизда турли миллат вакилларидан иборат 2460 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Наима Бекназарова. — Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида «Оталар чойхонаси»да меҳнат фахрийлари учун дастурхон ёзишни режалаштирганмиз. Шунингдек, маҳалламизда 3 нафар ётиб қолган уруш қатнашчиси, 12 та эҳтиёжманд оила бор. Байрам муносабати билан анъанага кўра уларнинг ҳолидан хабар олиниб, ижтимоий кўмак кўрсатилади.

* * *

Мазкур маҳаллага ёнма-ён жойлашган «Навбаҳор» маҳалласида ҳам фаоллар бошчилигидаги ҳашарчилар дарахтларни оқлаш, ариқ ва лотокларни тозалаш, қизу жувонлар кўчаларни супуриш билан машғул экан.

— Маҳалламиз кўпқаватли уйлар ҳамда ҳовли-жойлардан таркиб топган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Камолот Бердихўжаева. — Ҳудудимиздаги хонадонлар ва кўчалардаги тозалик ишларини назорат қилишни уй ва кўча бошлиқларига юклаганмиз. Мисол учун, Абусулаймон Банокатий кўчаси ҳамда 198-кўпқаватли уй энг намунали ҳисобланади. Уларнинг тажрибасини бошқаларга доим ибрат қилиб кўрсатамиз. Ҳашарда Истеъмол товарлари, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши вакиллари, Миробод тумани ҳокимиятидан масъуллар келиб, ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлишди. Қувонарлиси, ҳашар кунлари бир-бирига кўмак бериш, беморларнинг ҳолидан хабар олиш каби эзгу анъаналар бўй кўрсатади. Кўриб турганингиздек, Мустақиллик байрами арафасида маҳалламиз ҳудуди янада кўркамлашди.

***

Қуёш ёстиғидан эринибгина бош кўтарди. Иш кийимларини кийиб, қўлларида супурги, белкурак, бўёқ қутиси ва чўтка кўтариб олган Боғишамол МФЙ аҳли астойдил ишга киришди.

— Меҳнат байрамингиз муборак бўлсин, — деди тўладан келган рус аёли.

— Ўзингизга ҳам, — деб кулимсираб қўйди МФЙ маслаҳатчиси Мамлакат Назарова.

Табриклар, самиймий ҳазил-ҳузуллар дилга хуш ёқди. Иш қизигандан-қизиди. Шохлари тарвақайлаб кетган дарахтлар буталиб, шакл берилди. Ирригация тармоқлари тозаланди. Болалар мириқиб ўйнайдиган майдонларга алоҳида эътибор қаратилди. Ён-атрофлар супуриб-сидирилиб, ҳаммаёқ чиннидек ораста қилиб қўйилди.

— Тонг саҳардан шу ердамиз, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Сардор Салоҳиддинов. — Умуман олганда, биз боғишамолликларга жуда қадрдон бўлиб қолганмиз. Амалга оширилаётган ҳар бир эзгу ишда камарбастамиз. Куз, қиш мавсумига жиддий тараддуд бошланди. Бу борада ҳам имкон қадар кўмак бериб, жараённи назорат қилиб боряпмиз.

Гурунгимиз қўр олганда, ишларга бош-қош бўлиб юрган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Замир Мустафоев суҳбатга қўшилди.

— Ҳудудимиздаги 23 та кўпқаватли тураржой ва 4 та кўчада 2004 киши яшайди. Шунингдек, қатор идоралар, ташкилотлар, овқатланиш шохобчалари, дўконлар фаолият кўрсатмоқда, — дейди у. — Айни пайтда 145 ҳашарчи хизматга бел боғлаган. Гуруримиз, оримиз бўлган Мустақиллик байрамини кўтаринки руҳда кутиб олиш тадоригини кўряпмиз.

* * *

«Миробод» МФЙнинг яқинда барпо этилган қулай ва кўркам биноси ҳар жиҳатдан замон талабига жавоб беради. Унинг атрофида 8 та кўп қаватли уй жойлашган бўлса, шундоқ ёнгинасида «Nortex Style» фирмаси фаолият кўрсатади. Капиталбанк ҳам шу яқин атрофда. МФЙга бораётиб, панжара бўяётган, йўлак четларини оқлаётган ўн чоғли йигит эътиборимизни тортди.

— Ҳорманглар!

— Омон бўлинг!

— Чарчамаяпсизларми?

— Нега чарчар эканмиз, — дея ўзини таништирди Капиталбанк бошқаруви раис ўринбосари Бекзод Очилдиев. — Ишхона – пирхона, дейдилар, ҳашар баҳона ҳаммаёқни тозалаб, саранжом-сариштa қилиб қўйсак, ўзимизга яхши-ку.

Кейин астойдил тер тўкаётган «Nortex Style» фирмаси жамоаси ёнидан ўтдик.

— 19 киши эрта тонгдан бери тинганимиз йўқ, — деди фирма раҳбари Иван Пак. — Анчамунча юмушларни дўндирдик. Ўз ишларимиздан ортиб, айрим кўпқаватли уйлар олдида бетартиб ўсиб ётган газон ўтларини ҳам қиртишлаб, тартибга келтириб қўйдик.

МФЙга яқин жойда ўрнатилган дошқозонга кўзимиз тушиб, беихтиёр ажабландик. Кўнгилларни сел қилиб, майин куй тараларди.

— Ие, ҳашарми, ошарми, мусиқа ҳам бор экан?

— Аввал ҳашар, кейин ошар, — деб кулди МФЙ раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор Қаҳҳор Абдурахмонов қўлидаги тўрхалталарни қозон ёнида турган столга қўяётиб, — ҳашарчиларга ўз қўлим билан ош дамлаб бермоқчиман. Ёқимли мусиқа эса меҳнатга рағбатлантиради.

Шу ўринда оқсоқол ҳақида икки оғиз сўз. Айтишларича, Қаҳҳор ака ишлаб чарчамайдиганлар сирасидан. Иши тушиб келган одамнинг кўкрагидан итармайди, аксинча дардини эшитиб, мушкулини осон этишга уринади. Шунинг учун ҳам эл ўртасида катта обрў-эътибор қозонган. Бир пайтлар ҳудуд шаҳар канализация тармоғига уланганида, кимнингдир айби билан Катта Миробод 2-проезд аросатда қолиб кетганди. Қаҳҳор Абдурахмонов маҳалла фуқаролар йиғинига раис бўлгач, ушбу газаклаб ётган масала ечимини топди. Унинг саъй-ҳаракати ўлароқ ичимлик суви тармоғи қувурлари ҳам янгиланди. Айни чоғда раис кўчага асфалт ётқизиш ҳақида бош қотиряпти.

— Ҳашар зўр ўтаяпти, шекилли, йўл-йўлакай кўриб келдик.

— Албатта. Сирасини айтганда, тайёргарлик тўрт-беш кун илгари бошланган. Касаба уюшма фаоллари ҳам шу ерда. Айтганча, улар ўзимизникидай бўлиб қолишди. Қандай ишга бош қўшмайлик, касаба уюшмасининг эътиборини ҳис этяпмиз. 227 ҳашарчи хизматда. Кўпқаватли уйлар йўлаклари, ён-атрофлари, ариқлар тозаланиб, ободонлаштириляпти. Таъмирталаб жойлар таъмирланмоқда.

* * *

Металлургия ва машинасозлик ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раис ўринбосари Акмал Умаралиев «Янги Миробод» маҳалла фуқаролар йиғини томон йўл бошлади.

— Ҳудудимизда 1,5 минг аҳоли бор, уларнинг аксарияти турли соҳаларда меҳнат қилади. Ҳашарни ҳам ўз жамоалари билан бирга ўтказишди, — дейди маҳалла котиби Орзигул Тўрабоева. — Бу ерда эса 120 дан ортиқ киши тозалаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширди. Дарахтлар буталди ва оқланди. Нукус кўчасида жойлашган 79, 79-а, 81-уйлар олдидаги болалар майдончаси тартибга келтирилиб, янги инвентарлар (ўйин жиҳозлари) билан бойитилди. Хуллас, бир-биримизга камарбаста бўлиб меҳнат қилдик.

* * *

«Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Феруза Султонова Акмал Умаралиевни ўз инисидек қувониб кутиб олди.

— Акмалжон, келганингиз яхши бўлди-да, маслаҳатингиз керак эди. Шунча чиқиндини қандай гум қилсак экан, деб бошим қотиб турибди.

— Махсустрансга қўнғироқ қилмадингизми?

— Э, уларнинг ҳам қўли қўлига тегмаяпти.

— Майли, тозалайверишсин-чи, бир гап бўлар.

Чор-атроф ҳовлилардан иборат, сал нарида умумтаълим ва спорт мактаблари жойлашган. Бироқ шу ўртада ташландиқ, қаровсиз ётган мўлгина майдон кўнгилга хиралик солади. Майдон тўрида қачонлардир кўм-кўк бўлиб яшнаган азамат дарахт қуриб сўппайиб турибди. Эгасиз ерга ўт тушиб, бегона ўтлар, тиканак, янтоқлар ёнган ва майдоннинг бағри қоп-қора ямоққа айланган. Қирққа яқин ҳашарчи асло бўш келмаяпти, ерни ҳафсала билан тозалашяпти.

— Уйингиз шу атрофдами? — сўрадик Ферузахондан.

— Йўғ-эй, уйим бошқа кўчада, бу жой ҳозирги кунда оғриқ нуқта бўлганлиги боис умумтаълим ва спорт мактабларидан келган ҳамда шу ерлик аҳолидан йиғилган ҳашарчиларга ўзим бош-қош бўляпман, яна юздан зиёд ҳашарчи эса ҳудуднинг бошқа қисмларида тер тўкишяпти, — деб жавоб берди Ф.Султонова

* * *

Тозалик, осойишталик бўлган жойда қутбарака бўлади. Бир маҳаллада қўни-қўшни, ёр-дўст бўлиб яшайдиган одамлар бир-бирига қанчалик меҳр-оқибатли бўлса, шу жойда ободлик, фаровонлик ҳукм суради.

Миробод тумани «Темирйўлчилар» маҳалласида ҳам аҳоли кўтаринки руҳда ҳашарни бошлаб юборишди. 2717 нафар фуқаро истиқомат қиладиган маҳаллада Э. Одилхўжаев, Г. Алиева, «К. Арват», «Амиробод», «Оқ йўл» кўчаларида ишлар, айниқса қизғин тус олди. Қуёш чиқмасдан супуриб, сув сепилган йўл ва йўлаклар, уйлар оралиғидаги майдончаларнинг тозалигини кўриб кўнглингиз ёришади.

— Одамларнинг ўзаро аҳиллиги шундай кезларда билинади. Маҳалла ҳам ўз уйимиз. У қанчалик обод ва озода бўлса хонадонларимиз ҳам шунчалик фаровон бўлади, — дейди «Темирйўлчи» МФЙ раиси Меҳрибон Рагимова.

«Наврўз» маҳалласида ҳам шу вақтда ободонлаштириш ишлари авжига чиққанди. Мирсолихов, «Чамбил», «Чавандоз» каби кўчалардаги уйлар орасидаги болалар ҳиёбонлари, дам олиш майдончаларидаги ўриндиқлар, арғимчоқлар сингари турли анжомларни бўяш, қайта тиклаш ишлари олиб борилди.

— Маҳалламизда 2800 дан зиёд фуқаро, турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Улар бир оила аъзолари каби иноқ эканини бугун яна бир бор намойиш этишди, — дейди «Наврўз» МФЙ раиси Исроил Мирзаев.

* * *

Байрам нашидасидан масрур файзли маҳаллаларда олиб борилаётган хайрли ишлар билан танишиб, фуқаролар йиғини фаолларининг жонкуярлиги, аҳолининг ҳамжиҳатликдаги ҳаёт тарзига ҳавас қилдик. Ободлик, аввало, кўнгилдан бошланишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Ўз мухбирларимиз

Савол: Фарзандликка олиш қайси қонун ҳужжатига асосан ва ким томонидан амалга оширилади?

А.ҚОРАБЕКОВА,
Жиззах тумани

Жавоб: Фарзандликка олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига асосан қайд этилади. 2013 йил 30 апрелда Оила кодексининг «Фарзандликка олиш» деб номланган 20-бобига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Унга кўра фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Савол: Кимлар фарзандликка олиш мумкин бўлган шахслар ҳисобланади ва кимлар фарзандликка олиш ҳуқуқига эга эмас?

Р.СОБИРОВА,
Жиззах шаҳри

Жавоб: Қонунларга кўра вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар, асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар, қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар фарзандликка олиш ҳуқуқига эга эмас.

Савол: Фарзандликка олиш сир сақланадими ва неча ёшдан болани фарзандликка олишда учун унинг розилиги талаб қилинади?

А. АЛИМБЕКОВ,
Бахмал тумани

Жавоб: Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фарзандликка олинаётганнинг туғилиши қайд этилган дафтарга зарур ўзгартиишлар киритиши лозим. Фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФҲДЁ органига суднинг ҳал қилув қарори, фарзандликка олувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, шунингдек, фарзандликка олувчи(лар)нинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари тақдим этилади. Суднинг ҳал қилув қарорида кўрсатилган маълумотларда номувофиқликлар аниқланган ҳолларда фарзандликка олишни расмийлаштириш мазкур номувофиқликлар бартараф этилганидан кейин амалга оширилади.

Савол: Васийлик ва ҳомийлик тайинлаш тартиби қандай?

Б. АДХАМБОЕВ,
Арнасой тумани

Жавоб: Васийлик ва ҳомийлик ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни таъминлаш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида белгиланади. Васийлик 14 ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга, ҳомийлик эса 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга ва суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган, вояга етмаган, муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик бу шахснинг илтимосига кўра белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий бўлишни ҳоҳловчи шахсларнинг аризасига биноан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик васий ва ҳомий тайинланишга муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади. Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш мол-мулк жойлашган ерда белгиланади. Васийлар ўз қарамоғидаги шахсларнинг қонуний вакиллари ҳисобланиб, улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб зарур битимларни тузадилар. Ҳомийлар ўз қарамоғидаги шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда кўмаклашадилар.

Саволларга Дўстлик туман ФҲДЁ бўлими мудираси Ш.МУЛЛАБОЕВА жавоб берди

Савол: Бир шаҳарда доимий руйхатда туриб яшасам-да, бошқа шаҳарда квартирам бор, олди-сотди, шартномасини кўчмас мулк жойлашган жойдаги нотариал идорага бормасдан уни қандай расмийлаштириш мумкин?

А. ХОЛЖИГИТОВ,
Қонликўл тумани

Жавоб: Кўчмас мулк жойлашган жойдаги нотариал идорага боришингиз имконияти бўлмаса, сиз ўзга шахс номига нотариус томонидан тасдиқланган кўчмас мулкни сотиш ҳуқуқи билан ишончнома беришингиз мумкин. Шунингдек, агарда кўчмас мулк рафиқангиз билан никоҳингиз давомида орттирилган бўлса, Оила кодексининг 23-моддасига асосан унинг ҳам нотариус томонидан тасдиқланган розилик аризаси керак бўлади.

Савол: Давлат нотариал идорасидан ўзимга тегишли бўлган мулкимни сотиш ҳуқуқи билан ишончнома олгандим, лекин унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган, ушбу ишончнома қанча муддатга амал қилади?

С.БАРОТОВА,
Тўрткўл тумани

Жавоб: Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончномалар ҳақиқий эмас деб топилади.

Саволларга Тахтакўпир тумани ДНИ нотариуси Даулет ШАХАНОВ жавоб берди

Ishonch
2014-yil 19-avgust № 100 (3449)

Ҳамкорлик ҳосиласи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Мактабимиз 1922 йилда ташкил топган бўлиб, 2006 йилда умуммиллий давлат дастури асосида капитал таъмирланди, — дея иштирокчиларга маълумот берди касаба уюшма қўмитаси раиси Жўрабек Мингбоев. — Бугунги кунда мактабда 49 нафар педагог ҳамда 19 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда. Ходимлардан 33 нафарини аёллар ташкил этади. Аҳил ва шижоатли жамоа аъзоларининг 4 нафари Халқ таълими аълочиси, 8 нафари олий малака тоифали кадрлар ҳисобланади. Ўтган ўқув йилида ўқувчилардан 5 нафари билимлар беллашувининг вилоят босқичида иштирок этиб, 1-, 3-ўринларни қўлга киритди.

Мактабда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича 2012-2014 йиллар мобайнида мактаб ошхонасидан, бўш хоналарни ижарага бериш(сартарошхона, чевархона, косибхона)дан, шарқона кураш тўгараги, мактаб боғидаги мавжуд мевали дарахтлар ҳосили ва экинлар ҳисобидан, металл парчалари топширишдан, янги ўқув йилида 1-синфга келувчи ўқувчиларни мактабга тайёрловчи ҳамда мактабда пулли курс ўтадиган ўқитувчилар билан тузилган шартнома, инглиз тили фанидан 2-4-синфларда ўтилаётган пулли тўгарак раҳбарлари билан тузилган шартнома асосида топилган маблағ ҳисобидан жами 14 307 000 сўм қўшимча даромад олинди.

Мазкур даромад ҳисобидан бошланғич синф ўқув биносидаги 2 та ўқув хонасининг поли ленолиум билан қопланди, физика фани кабинети ҳамда кутубхонанинг поли жорий таъмирланди. Мини футбол майдони атрофини ўраш учун металл труба, сим тўр харид қилинди, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фавворали сув ҳавзаси қурилди. Мактаб ўқитувчилари учун дам олиш ҳамда ғазна хоналарини қуришга эришилди. Мактаб ҳовлисидан ўтган ариққа лоток ётқизилди, иситиш тармоғи қайта таъмирланди, лимонарийнинг устки қисми ёпилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 5 нафар ходимга сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ажратилди. 3 нафар ходимга тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Мактаб ўқитувчи ва ишчи-ходимларининг ишчанлик кайфиятини кўтариш ва жисмоний руҳий тетиклигини ошириш мақсадида дам олиш хонаси, мини футбол майдони, баскетбол ва волейбол майдонлари ташкил этилди.

Меҳмонлар мактабнинг инглиз тили хонаси ҳамда тарих музейидан ўзгача таассурот олишганини эътироф этишди.

* * *

Навбатдаги манзил Наманган туманидаги «Nafis tex group» МЧЖ бўлди. Фарғона ВКУТБ ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Марҳабо Набиева мазкур корхона ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди:

— Яқиндагина иш бошлаганига қарамай, корхонада касаба уюшма фаолият юритаётгани қувонарли. Чунки ходим ҳар доим ва ҳар ерда ўзини ҳимояланган ҳис қилиши шарт. Қолаверса, ушбу корхонада фаолият юритаётган 160 нафар ишчи-ходимнинг асосан коллеж битирувчиси экани, улар яратаётган маҳсулот фақатгина экспортга йўналтирилаётгани ҳам ҳавасимизни келтирди. Иш ўрнидаги тартиб, корхона ҳовлисидаги озодалик ва саришталик ишчиларнинг ўз жамоасига бўлган меҳри ва ҳурматидан дарак.

СПОРТ ЭЛЛАРНИ ЭЛЛАРГА, ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА БОҒЛАЙДИ

Наманган вилоятида 3379 та спорт иншооти фаолият олиб бормоқда. Жами 512 432 нафар юртдошимиз спорт билан машғул. Уларнинг 249 465 нафари хотин-қизлардир. Шунингдек, 8592 та спорт секцияси ва бўлимларида 233 836 киши шуғулланмоқда. Бундан ташқари, вилоятда 43 та, жумладан, халқ таълими тизимида 37 та, маданият ва спорт бошқармасида 5 та, «Навбаҳор» спорт клубида 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият юритаётир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят 21 та республика миқёсидаги, 3 та халқаро спорт мусобақаларига мезбонлик қилди. Ўтказилган баҳсларда вилоят спортчилари томонидан 133 та олтин, 158 та кумуш, 229 та бронза медаллари қўлга киритилди. Ўзбекистон чемпионати ва кубоги ҳамда халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб иштирок этган ва чемпионликни қўлга киритган 22 нафар вилоятимиз спортчилари олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинди.

Бу ютуқларда «Баркамол авлод» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббий ҳамда тарбияланувчиларининг қўшган ҳиссаси алоҳида. Маскан билан яқиндан танишган семинар иштирокчилари бунга амин бўлишди.

Ҳозирда мактабда спортнинг стол тенниси, енгил атлетика, дзю-до, сузиш, ўзбек жанг санъати, каратэ, аёллар футболи каби саккиз тури бўйича 826 нафар ёш машғулотларда иштирок этмоқда. Спорт мактабида 42 нафар ишчи-ходим ва мураббий фаолият юритади. 28 нафар мураббийдан 12 нафари олий маълумотга эга.

Мураббийлар Пўлат Устабоев, Эдита Мирабидова, Карима Йўлдошева, Алим Тамарадзе, Нодирбек Жўраев, Елена Йўлдашевалар томонидан олиб борилаётган машғулотлар натижасида 17 нафар Ўзбекистон чемпиони етишиб чиқди.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА КАСАБА УЮШМАСИ

Семинар иштирокчилари, шунингдек, Косонсой туманида «Муродхон Косоний» фермер хўжалиги ҳамда «Алвон-шижоат» МЧЖга қарашли Диагностика маркази фаолияти билан ҳам танишишди.

* * *

Кейинги йилларда нодавлат тизимдаги корхона, муассасаларни аъзоликка жалб этиш алоҳида эътиборда. Косонсой тумани Тагижар қишлоғида жойлашган «Чашмаи сафед» фермер хўжалигини бутун мамлакат танийди, десак муболаға эмас. Бунинг асосий сабаби раҳбарнинг тадбиркорлиги, хўжаликнинг кундан-кун равнақ топаётгани, ишчиларнинг рўзғоридан барака аримаётганидадир.

Дарвоқе, фермер хўжалиги раҳбари, «Шуҳрат» медали, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Ҳамидхон Муйдинхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2010» кўрик-танловида қатнашиб, «Энг яхши фермер» сифатида эътироф этилган.

Тараққиётнинг ёрқин йўлига чиқиб олган, истиқболли лойиҳаларга қўл урилаётган «Чашмаи сафед»да хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Музаффар Патиллаев меҳмонларни ишчи-хизматчиларга яратилган шароит билан таништирди.

— Чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган хўжалигимиз 1994 йилда 30 гектар ер, 28 бош қорамол, тўрт нафар ишчи билан фаолият бошлаган, — деди у. — Ҳозирда ер майдонимиз 350 гектарга, ишчилар эса 320 нафарга етди. Иш ўринларини кўпайтириб бориш, аъзолар учун намунали шароит яратиш устувор вазифаларимиздан.

Хусусан, кейинги йилларда 68 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиб, кунига 500 килограмм гўштни қайта ишлаш қувватига эга технология келтириб ишга туширдик. Бундан ташқари, хўжалигимиз қошида пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этдик. Сифатли ғишт тайёрлаб, туманимиз қишлоқларидаги замонавий уй-жойлар қурилишига ҳисса қўшмоқдамиз.

Ишчиларимизнинг барчаси, у хоҳ мавсумий, хоҳ доимий бўлсин, касаба уюшма кўмагини ҳис этмоқда. Маъмурият билан ҳар соҳада ҳамкорлигимиз, раҳбарнинг ҳамиша ишчиларга қайишиши сабаб фаолиятимизда муаммо йўқ. Хўжалигимизда жамоа шартномаси имзоланган бўлиб, мазкур ҳужжатнинг барча бандлари ҳаётда ўз ифодасини топмоқда.

Меҳнат муҳофазаси масаласига ҳам қаттиқ эътибор қаратилган. Мазкур соҳа доим раҳбар назоратида. Шу билан бирга, меҳнат муҳофазаси бўйича вакилимиз фаолияти ҳам кўпчиликни қониқтирмоқда. Ҳар бир мавсум учун ходимлар махсус иш кийим ва пойабзаллар билан таъминланади.

Узоқдан ишга қатновчилар учун автомашиналар хизмати йўлга қўйилган. Шу орқали ҳар икки сменадаги ишчиларнинг келиб-кетиши тўлиқ таъминланади. Хўжалигимизда бепул тушлик ҳам тарқатилади. Далада ишловчиларга эса икки маҳал иссиқ овқат берилади. Ювиниш хонаси доимо улар хизматида.

Ҳар байрамда раҳбардан тортиб сут соғувчигача биргаликда оммавий дам олишга чиқамиз, маъмурият ҳисобидан байрам дастурхони ва маданий ҳордиқ ташкил этилади. Шунингдек, Янги йил, Мустақиллик, Қурбон ва Рамазон ҳайитларида мукофот пуллари тарқатилади. Мавсумий ишчиларга ҳам маошидан ташқари бир марта мукофот берилади.

Аёлларимизга қатор имтиёзлар яратилган. Айниқса, уларнинг оғир юк кўтармаслигига эътибор қаратамиз. Шунинг учун ҳар бир сут соғувчига биттадан юк кўтарувчи бириктирилган.

Дарвоқе, ғалла ўрим-йиғими кўпчилик учун масъулиятли. Ахир, йил давомида қилган меҳнатингиз хирмонларда бўй кўрсатади. Айниқса, ишчиларимиз мазкур мавсумда янада қувонишади. Бу вақтда ҳосил ходимларга ҳам улашилади. Тақсимотда адолат мезонларининг бузилмаслигини таъминлаш учун касаба уюшма иштироки таъминланган.

2008 йил Ёшлар йили муносабати билан «Боғишамол» қишлоғида «Чашмаи сафед» ёшлар соғломлаштириш мажмуаси қуриб ишга туширилган эди. Мажмуа базм маросимлари ўтказиш, спорт комплекслари, жумладан, футбол, волейбол майдонлари, сув ҳавзаси, стол тенниси ва ювиниш хоналарини ўз ичига олади. Натижада, фермер хўжалигимиз ишчи-ходимлари (бепул) ва қишлоқ ёшларининг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароит яратилди.

Умуман, фаолиятимиз халқимиз фаровонлигини таъминлаш, эл маъмурчилигини юксалтиришга қаратилган. Энг асосийси, ҳалол меҳнатимиз билан кўпнинг дуосини олиш. Зеро, дунёда нимаики яхшилик бўлса, ҳалол меҳнат билан эришилади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Эътироф

Ҳар қандай давлатнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида унинг маданий, тарихий, илмий ва албатта, иқтисодий салоҳияти муҳим ўрин тутади. Шу маънода, Ўзбекистон имкониятлари ниҳоятда юқори мамлакат бўлиб, кейинги йилларда иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўсиш суръатлари кўрсаткичи бўйича нуфузли давлатлар қаторидан мустаҳкам жой эгаллаб келмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани қувонарлидир.

Ўсиш суръатлари кузатилмоқда

Таъкидлаш жоизки, бундай ютуқлар, аввало, статистика кўрсаткичларида аксини топади. Биргина Янгиобод туманида жорий йилнинг олти ойи мобайнида барча соҳаларда ўсиш кузатилди. Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат кўрсаткичлари 111,3 фоизга бажарилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 111,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 105,9 фоизга етказилди. Асосий капиталга киритилган инвестициялар 158,4, чакана товар айланиши 118,8, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 112,9, маиший хизмат 122,7 фоизга бажарилиб, қолган соҳаларда ҳам ўсиш кузатилди. Мазкур жараёнда кичик бизнеснинг улуши алоҳида аҳамият касб этаётир.

Бир нечта хусусий корхоналар ташкил этилиб, уларда янги иш ўринлари яратилди. Намунавий лойиҳадаги уйлар, мусиқа мактаби қуриб битказилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат, кичик бизнес субъектларига яратилаётган шарт-шароит ўсишда изчилликни таъминлаётир.

Ёдгор ШАРОФБОЕВ,
Янгиобод туман статистика бўлими бошлиғи

Орамиздаги одамлар

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида илғор туманлар қатори, ҳар гектар ғалла майдонидан рекорд ҳосил — 90-100 центнергача сара дон кўтаришга муваффақ бўлган донгдор фермер хўжаликлари ҳам номма-ном қайд этиб ўтилган. Улар сафида Кармана туманидаги «Севолтепа равнақи» фермер хўжалиги ҳам бор. Туманнинг Жалойир қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги ушбу фермер хўжалигига етиб борганимизда қуёш «тиғи» қайта бошлаганди. Равон йўлнинг сўл томони кета-кетганча ямяшил пахтазор. Саратон сувидан мавж урган ниҳоллар бир текис бўйлашган. Ўнг томонда эса ғалладан бўшаган яхлит майдонлар бағрига қадалган иккинчи экинлар ҳалитдан яхшигина бўй кўрсатиб қолибди.

Замин билан тиллашиб

— Ана, сардорнинг ўзи ҳам шу ерда экан, — дейди ҳамроҳим, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг раиси Ўткир Ражабов ғужум тол соясидаги қўлбола шоҳсупа томонга ишора қилиб. Автомобил тўхтагач, яшил йўлакча бўйлаб ўша томонга кўтарилдик. Насос орқали ташлаб берилаётган оби ҳаёт обод манзилга салқинлик ҳадя этиб турибди. Ҳолаҳвол сўрашгач, хўжалик раиси билан дилдан суҳбатлашдик:

— Барча экин майдонларимиз сув насослари ёрдамида суғорилади. Шу сабабли қулоқ бошидан тез-тез хабар олиб турмаса бўлмайди, — дейди суҳбатдошим Абдураззоқ Ризаев. Кейин қуйи майдондаги пахтазор томонга ишора қилиб, фикрини давом эттирди. — 2000 йилда хўжаликни ҳув анави 12 гектарлик қартада бошлаганмиз. Кетмондан бўлак кўмакдошимиз йўқ эди ўшанда. Имкон ва ишонч ортиши билан қолган далалар ҳам хўжалик таркибига қўшиб берилди.

Ҳар йили белгиланган давлат режаларини ошиғи билан уддалаб келамиз. Бу йил экиладиган 135 гектар майдоннинг 54 гектарида пахта, қолган қисмида эса ғалла етиштирдик. Ҳар гектар бошига ҳосилдорлик ўртача 85-90 центнердан тўғри келди.

— ***Юқори кўрсаткич қизиқишимизни ошириб юборди. Хўжаликни яна ривожлантириш, ишчи-ходимлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?***

— Халқимизда, сен ерни ер қилсанг, ер сени шер қилади, деган нақл бор. Замин тилини, оби-тобини яхши тушунадиган, ерни тўйдиришда бор имконини аямайдиган деҳқон хазинанинг калити қўлимда, деса бўлади. Қолаверса, аъзолар билан бизни хирмонимиз ҳам, қозонимиз ҳам бир. Кўзланган режа адо этилгандан кейин, қолган даромадлар ўз изимизда. Меҳнаткашларга мадад бўлсин учун учта қатор орасига ишлов берадиган янги трактор сотиб олдик. Яқинда шудгорлаш ва бошқа яхлит юмушларни бажариш учун Америкада ишлаб чиқарилган «МХА-140» маркали ҳайдов тракторини харид қилдик. Гаражимизда хўжалик учун зарур бўлган техник жиҳоз ва мосламаларни бутлаб, ишга шай ҳолатга келтириб қўйибмиз. Бундан ташқари, токарлик, чилангарлик, электрпайвандлаш, машина ювиш, камера ямаш сингари устахоналар хизматда. Бу қулайликлардан бошқа фермер хўжаликлари ҳам фойдаланишмоқда.

Пешона теримиз эвазига оилаларимизга ҳам қут-барака энаяпти. Шалоғи чиққан «Москвич» автомашинамни қўйиб, ўзимизда ишлаб чиқарилган «Кобалт» автомобили рулини тутдим. Ҳар бир ишчининг қўрасида 5-6 бошдан қорамол боқилаяпти. Автоуловга эга бўлмаган оила ҳудудимизда деярли қолмаган. Бунинг ҳаммаси истиқлолимиз шарофатидандир.

Даладан қайтар эканмиз, Жалойирнинг қишлоқларини кўздан кечиришга қарор қилдик. Йўллар теп-текис равон. Барча кўча ва гузарларда мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан кенг кўламдаги тайёргарлик ишлари бошлаб юборилгани шундоқ кўзга ташланади. Йўл четлари, ҳовлилар ташқарисида турфа гуллар барқ уриб турибди. Монанд тарзда оқланиб, сайқал берилган хонадонлар бири-баридан ўтаман дейди.

«Шибзон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зайни Эргашев билан ҳашар давом этаётган гузар марказида суҳбатлашдик.

— Ҳудудимизда 11 та фермер хўжалиги фаолият юритади, — дейди у. — Тадбиркорларимиз ҳам талайгина. Эл-юрт фаровонлиги йўлида ҳар бирининг ўзига хос ўрни бор. Аммо «Севолтепа равнақи» фермер хўжалиги раҳбари Абдураззоқ Ризаевнинг элпарварлигига тан бермоқ керак. Режадан ошиқча ғалланинг 87 тоннасини ишчиларга тарқатиб берди. Механизаторлар 3, сувчилар эса 3,5 тоннадан дон-дунга эгалик қилдилар. Маҳалла томонидан тақдим этилган рўйхат асосида яна 10 та эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилага хирмон ҳосилидан ҳадялар улашди.

Абдураззоқ ака доим янги ташаббуслар ўйлаб топади. 16 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб, қишлоқ врачлик пункти тубдан таъмирланишини таъминлади. Ҳамкорлик йўлида маҳалламизга 7 км. лик масофадан Дамхўжа тоза ичимлик сувини торттириб келтирди. Ўз ҳудудидаги табаррук Севолтепа қадамжосини ободонлаштириб, унга элтувчи йўлни ўз маблағи ҳисобидан соз ҳолатга келтирди. Шу кунларда эса маҳалламиз ҳудудида ғишт заводи қуриб, ишга туширишдек хайрли иш ташвиши билан юрибди.

Ортга қайтар эканмиз, йўлдошим Ўткир Ражабовдан хўжаликда амалга оширилган яна бир савобли иш ҳақида эшитдик. Жамоа таркибидаги мавсумий ишчилар ҳам ёппасига касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинибди. Шу кунларда уларга «Меҳнат дафтарчаси» очириш масаласи ижобий ҳал этилаётганмиш.

Она замин билан тиллашиб, ризқ-рўз топаётган қадоқ қўлли деҳқонларимиз доимо омон бўлишсин.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ОНА СОҒ — БОЛА САЛОМАТ

Фарғона вилоятида туғруқ мажмуалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса оналар ва болалар саломатлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Данғара тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ мажмуаси ҳам «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу мажмуа ходимларига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Суратда: ҳамширалар Мукаррам Мелиева, Ирода Юсупова она ва бола саломатлигига катта эътибор қаратади.

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

Сизнинг адвокатингиз

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўқиш, эркин касб танлаши учун зарур шароитлар яратилган. Жумладан, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солувчи, соғлиғи ва ахлоқи учун зарарли ҳисобланадиган меҳнат шароитларидан ҳимояловчи, шунингдек, ишга қабул қилишнинг энг кичик ёшини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрларга амал қилиб келиняпти.

Вояга етмаганлар ва ёшларнинг меҳнат ҳуқуқи

Қонунларга кўра ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга иш вақти ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмаслиги керак. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўн саккиз соатдан, ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун ҳафтасига ўн икки соатдан ошиб кетмаслиги лозим.

Корхонада ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчига меҳнатига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ белгиланади. Бундай ходимларга камида ўттиз календар кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бундан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин.

Меҳнат кодексига биноан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади. Улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишга, ушбу шартномани бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган иш улар соғлигига зиён қиладиган, бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар.

Республикамиз аҳолисининг кўпчилиги ёшлардан иборат эканлиги, аҳоли сонининг нисбатан тез кўпайиб бораётганлиги ёшларни иш билан таъминлаш соҳасида изчил сиёсат юритишни тақозо этади. Бу борада бандлик сиёсати қуйидаги йўналишларда рўёбга чиқарилмоқда:

Кичик ва хусусий бизнесни рағбатлантириш йўли орқали ўзини ўзи иш билан таъминлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш;

корхоналарда иш ўринларининг кўпайтирилиши ва янги иш ўринлари очилишини қўллаб-қувватлаш;

касаначиликни ривожлантириш орқали аҳолининг муҳтож табақаларини иш билан таъминлаш;

аҳолига маиший ва бошқа хизматлар кўрсатишни кенгайтириш;

ёшларнинг янги касбларни эгаллашларига кўмак бериш.

Айтиш ўринлики, юқоридаги тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларини битирган фуқароларнинг аксарияти муносиб иш ўринлари билан таъминланаётир. Улар томонидан ташкил қилинаётган кичик корхона, оилавий бизнес субъектлари сони тобора кўпайиб бормоқда.

Қонунларга кўра фуқаролар ишга кириш учун мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай корхона ёки ташкилотга мурожаат қилиши мумкин. Бунда маъмурият унинг аризасини кўриб чиқиши шарт бўлиб, асоссиз равишда ишга қабул қилишдан бўйин товлаш қонунларда белгиланган тарзда жавобгарликка тортилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, маҳаллий давлат ҳокимият органлари зиммасига аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш вазифаси юклатилган. Улар ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналадиган шахсларни ишга жойлаштириш учун маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда иш жойларининг энг кам миқдорини белгилайди, шунингдек, айрим турдаги ишларни эҳтиёт тариқасида захирада ушлаб туради. Меҳнат бозорини барқарорлаштириш, меҳнат шартномаси оммавий бекор қилинишининг олдини олиш, иш билан таъминлашнинг минтақавий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, иш жойларининг сақланиб қолинишини таъминлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш, хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш каби бир қатор вазифаларни бажаради.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш асосий мақсад қилиб белгиланган жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш барқарор тараққиёт гарови эканлиги шубҳасиз. Бугунги кунда иш билан таъминлашга оид қонунчиликнинг бажарилиши устидан турли даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, касаба уюшмалари назоратни амалга ошириб келмоқда.

Ж. МУҲИДДИНОВ,
Транспорт, йўл, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти

«Ўзметкомбинат» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси жамоаси

Барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг 23 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади.

Гўзал диёримизга, обод ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин. Серқуёш Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин!

II ўсмирлар ёзги Олимпия ўйинлари

Хитойнинг Нанкин шаҳрида бошланган иккинчи ўсмирлар ёзги Олимпия ўйинларининг биринчи кунидаёқ мамлакатимиз делегациясининг хазинаси бронза медали билан бойиди.

ҒАЗНАМИЗДА ИККИ БРОНЗА

Дзюдо бўйича вазни 66 кг.гача бўлган полвонлар беллашувида татамига чиққан ҳамюртимиз Суҳроб Турсуновга мақсадга эришиш осон бўлмади. У дастлаб болгариялик Стоян Тарапановни иппон баҳоси билан енгган бўлса-да, украиналик тажрибали спортчи Богдан Ядовга баҳсни бой берди.

Шундан сўнг ўтиш мусобақасида иштирок этган Суҳроб беларуслик, сўнгра арманистонлик полвонни муддатдан аввал мағлуб этиб, бронза медали учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Учинчи ўрин учун кечган беллашувда ҳамюртимиз Коста-Рика вакили Жулиан Санчо қаршилигини синдирди ва ғазнамизга илк медални келтирди.

Ушбу вазн тоифасида олтин медал японялик Хифуми Абега насиб этган бўлса, украиналик Богдан Ядов кумуш медал соҳиби бўлди.

Оғир атлетика бўйича вазни 56 кг.гача бўлган спортчилар мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Адҳамжон Эргашев делегациямиз ҳисобига навбатдаги бронза медални қўшиб қўйди.

Умидли спортчимиз даст кўтаришда 110 кг., силтаб кўтаришда эса 133 кг. ва иккикураш якунига кўра 243 кг. натижани қайд этди.

Мазкур мусобақада олтин медалга 283 кг. натижа (128 кг. – 155 кг.) билан хитойлик Чен Менг сазовор бўлди. Ҳамюртимиз Адҳамжон Эргашев билан бир хил натижа кўрсатган ветнамлик Нгуен кумуш медал совриндори бўлди.

Маълумки, оғир атлетика спорт турида спортчилар кўрсатган натижа бир хил бўлганда, қай бир спортчининг вазни енгилроқ бўлса, ўша спортчига юқори ўрин берилади. Адҳамжоннинг вазнидан 40 грамм енгил бўлганлиги ветнамлик спортчига қўл келди.

Академик эшкак эшиш бўйича 1000 метр масофага ўтказилган саралаш босқичида Юлдуз Кулгавая ўз гуруҳида 6-ўринни эгаллаган бўлса, Шаҳбоз Абдужабборов гуруҳ босқичида марра чизиғига учинчи бўлиб етиб келди ва бу натижа унга ярим финал баҳсларига тўғридан-тўғри чиқиш имконини бермади.

Шунингдек, стол теннисчимиз Регина Ким Франция ҳамда Жанубий Корея вакиллари билан кечган ҳар икки баҳсда 1:3 ва 0:3 ҳисобида имкониятни бой берди.

Ўғил болалар ўртасида 100 метр масофага брасс усулида сузиш мусобақасида иштирок этган Андрей Правдивцев саралаш баҳсларида ўз гуруҳида биринчи бўлиб маррага етиб келган бўлса-да, у қайд этган натижа (1:03.99 сония) умумий ҳисобда ярим финал босқичига чиқиш учун камлик қилди.

Дастлабки якунларга кўра, учтадан олтин ва бронза медалига сазовор бўлган хитойликлар умумжамоа ҳисобида пешқадамлик қилишмоқда. Биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган Россия, АҚШ, Япония делегациялари кейинги ўринларда боришяпти.

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи: **ЛОТ-2**

ЛОТ 2.1. «Фарғона вилояти Сўх тумани Сариканда қишлоғидаги «Баркамол авлод» болалар марказини мукаммал реконструкция ишлари».

Бошланғич нархи — **892 789 134 сўм ҚҚС сиз ва 1 071 346 960 сўм ҚҚС билан .**

Муддати — **01.12.2014 й.**

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

ЛОТ 2.2. «Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғидаги «Баркамол авлод болалар маркази» биноларини мукаммал таъмирлаш».

Бошланғич нархи — **592 804 593 сўм ҚҚС сиз ва 711 365 511 сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **01.12.2014 й.**

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови 100%.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37, тел.(373) 400-52-80.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси 37-уй манзилида* ўтказилади. **Хизматлар лицензияланган.**

Аукцион савдолари хабарномаси.
«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Ишонч» газетасининг 22.07.2014 йилдаги № 89 (3438)-сонида берилган аукцион савдоси хабарномаси бўйича 2014 йил 22 август куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказилиши белгиланган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 27.11.2012 йилдаги 10-1218/16125-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент шаҳар «DIA» масъулияти чекланган жамияти ҳисобидаги Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12/в-уй манзилида жойлашган маъмурий бино иншоотлари ҳамда 25 номдан иборат асосий воситалари, товар ва моддий бойликлари билан бирга мужассам ҳолда қўйилган.

«DIA» масъулияти чекланган жамияти тугатиш бошқарувчисининг 18.08.2014 йилдаги 78-СУ-сонли хатига асосан бино иншоотлар умумий ер майдони 3951,0 кв.метр, қурилиш майдони 982,0 кв.метрни ташкил қилишини маълум қиламиз.

Буюрманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ

Тошкент шаҳар Буюк Турон кучаси 41-уй. Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18. Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru, **Хизматлар лицензияланган.**

Реклама ва эълонлар

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ 2014 йилнинг 31июл куни бўлиб ўтган очиқ танлов савдоси натижасини маълум қилади:

1. Паркент тумани, Чанги Қ.Ф.Й, «Кунгай» маҳалласи ҳудудида «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» қурилиши учун ажратилган 0,02 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича Яхшибоев Жалолиддин Серкаевичнинг танлов таклифи энг яхши танлов таклифи деб эътироф этилди ва танлов ғолиби деб топилди;

2. Паркент тумани, Паркент шаҳри, «Бодомтепа» М.Ф.Й. ҳудудида «Сартарошхона» қурилиши учун ажратилган 0,015 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича Ҳасанов Муроджон Мирсобит ўғлининг танлов таклифи энг яхши танлов таклифи деб эътироф этилди ва танлов ғолиби деб топилди;

3. Паркент тумани, «Ҳисорак» Қ.Ф.Й, «Қуёш» қўрғони ҳудудида «Таркибида сартарошхона, пойабзал тузатиш устахонаси, кичик тикувчилик цехи, гўзаллик салони ва компютер хизматлари бўлган маиший хизмат кўрсатиш уйи» қурилиши учун ажратилган 0,04 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича Пўлатов Ёрдамхўжанинг танлов таклифи энг яхши танлов таклифи деб эътироф этилди ва танлов ғолиби деб топилди;

4. Паркент тумани, «Чанги» Қ.Ф.Й, «Шахак» маҳалласи ҳудудида «Аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва дорихона» қурилиши учун ажратилган 0,06 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича Дарбишев Имомхусан Ғуломовичнинг танлов таклифи энг яхши танлов таклифи деб эътироф этилди ва танлов ғолиби деб топилди.

Лицензия RR-0008.

МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси навбатдаги «Ким ошди» савдосини Термиз шаҳар, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2014 йилнинг 19, 22, 25 сентябр кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказади.

Ушбу «Ким Ошди» савдосида МХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан савдога чиқарилган қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

1. «MAN TGS 19.390» русумли, 2010 йилда ишлаб чиқарилган 01/503 HBA давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 21000 000 сўм.
2. «DAF 95XF480» русумли, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, 01 H 079 OA давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 13000 000 сўм.
3. «TIRSAN» русумли, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, 01/1624 AA давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги ярим тиркама. Бошланғич баҳоси — 9000 000 сўм.
4. «Ласетти» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, 75 H 288 FA давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 6400 000 сўм.
5. «Шварзмюллер» русумли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, 01/4689 AA давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги ярим тиркама. Бошланғич баҳоси 1440 000 сўм.
6. «Камаз-5320» русумли, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, 75 B 853 AA давлат белгили, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 6200 000 сўм.

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ОАТ Ҳамкорбанкдаги ҳ/р: 20208000104531008004, МФО:01001, ИНН:206710579га сотилаётган автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 10-хона. Тел/факс: 8-376-223-07-96.Гувоҳнома № 719. **Хизматлар лицензияланган.**

«Orient Finance Business» МЧЖ таъсисчиси **«ORIENT FINANS» ХЕАТБ** 2014 йил 30 июлдаги 3-сонли қарорига кўра Устав фонди 3 100 000 000.00 (Уч миллиард юз миллион) сўмдан 500 000 000.00 (Беш юз миллион) сўмга қамайтирилишини маълум қилади.

Иқтидор намойиши

Ёшлар ижод саройида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Муҳаббатим сенга, она Ватаним!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

МУНОСИБ ИЗДОШЛАР

Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндорлари, таълим, маданият, спорт соҳаларида улкан ютуқларга эришган иқтидорли талаба-ёшлар иштирок этди.

Бадиий гимнастика бўйича кўплаб халқаро мусобақалар ғолибаси Сарвина Холиқова уч ёшидан бери спортнинг мазкур тури билан шуғулланади. Унинг спортда эришган ютуқлари давлатимиз томонидан эътироф этилиб, 2011 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлди. Бу йил Сарвина имтиёзли тарзда Бухоро давлат университетининг жисмоний тарбия ва спорт факултетига ўқишга қабул қилинди.

— Юртимизда ёшларга, айниқса, хотин-қизларга берилаётган улкан эътибор барчамизни бирдай хурсанд қилади. Бундай ғамхўрлик биз ёшларни янги-янги зафарларга чорлайди, — деди Сарвина Холиқова.

Тадбирда спорт соҳасида совриндор бўлган қизларнинг ютуқларига бағишланган «Ҳаётим безаги, жонажон спорт!» мавзусидаги кўргазма ташкил этилди. Спортсевар қизлар, ёш шоиралар, мусиқачилар иштирокида бадиий дастур намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз

2014 йил – Соғлом бола йили

Ноанъанавий тадбир

Булоқбоши туманида почта-алоқа ходимлари ўртасида палов фестивали ўтказилди. «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Андижон филиали раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда хабарчилар пазандаликнинг ноёб қирраларини намоён этишди.

ПАЛОВ ФЕСТИВАЛИ



— Андижонча паловнинг юртимиз пазандалигида тутган ўрни беқиёс, — дейди филиал касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Аҳмедов. — Бу заминда яшовчи ҳар бир киши, қайси соҳа эгаси бўлмасин, албатта, мазали ош пиширишнинг ҳадисини олган. Ушбу ноанъанавий тадбир ходимларимизнинг наинки иш фаолиятида, балки бошқа соҳаларда ҳам барчага намуна бўлишини исботлади.

Шу куни пурвиқор Чилустун тоғлари бағридаги сўлим қишлоқда 16 та дошқозонда ош пишди. Танловда Асака тумани почта-алоқа тармоғи хабарчилари ғолибликни қўлга киритишди. Қўрғонтепа ҳамда Олтинкўл туманлари вакиллари эса иккинчи ва учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Фестивал доирасида ходимларнинг 7-14 ёшли фарзандлари ўртасида расм чизиш танлови бўлиб ўтди. Унда ўғил-қизлар мустақиллик йилларида юртимизда эришилган ютуқларни болаларча нигоҳ, ёрқин тасаввур билан акс эттирдилар. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, эҳтиёжманд оила фарзандларига касаба уюшма қўмитаси томонидан ўқув қуроллари тўплами тақдим этилди.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Оммавийликдан маҳорат сари

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан оромгоҳга жалб этилмаган ўғил-қизлар ўртасида «Ёз — 2014» спорт мусобақалари ўтаётганидан хабарингиз бор. Шундай мусобақалардан бири шахмат бўйича Чироқчи тумани 1-БЎСМ шахмат залида ташкил этилди. Унда 140 нафар ёш шахматчи ғолиблик учун дона сурди.

ҚИЗИҚИШ, РАҒБАТ, НАТИЖА

7 турдан иборат қизғин баҳслар якунида Анвар Ҳакимов, Фирдавс Рамазонов, Жўрабек Ибодуллаев, Холида Намозова, Ирода Исмоиловадан ташкил топган Чироқчи туман 1-БЎСМ жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Қарши шаҳрининг «Геолог» клуби иккинчи, мезбонларнинг иккинчи жамоаси эса учинчи ўриндан жой олди.

Ғолиб ва совриндорлар Чироқчи туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Чироқчи туман 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1555 нафар ўғил-қиз волейбол, футбол, баскетбол, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика ва шахмат билан шуғулланади, — деди биз билан суҳбатда БЎСМ директори Фарҳод Жуманов. — Шундан 555 нафари қизлар.

2011 йилда туманимизда Гулноза Абанова мураббийлигида бадиий гимнастика тўгараги иш бошлади. Ҳозирда нафис спорт тури билан шуғулланувчилар 350 нафарга етди. Уларга Муҳаббат Маҳманазарова, Шоҳсанам Холбозорова, Нигора Абдуллаева каби ёш мутахассислар сабоқ беришаётир. Мутахассисларимиз ва етакчи спортчилар тажриба ошириш учун пойтахтда ўтган жаҳон кубоги баҳсларини кузатиб қайтишди.

Қувончлиси, туман марказидан ташқари, Ўймовут, Дам, Хўжаабдужаббор, Паканди қишлоқларида ҳам спортга қизиқувчи қизлар сафи сезиларли кенгайди. Деярли ҳар бир мактабда жадвал асосида соғломлаштирувчи гуруҳлар фаолият олиб боряпти.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими томонидан бадиий гимнастика гилами ва жиҳозлари ажратилгани ҳам оммавийликнинг ошишига омил бўлмоқда.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«ҚУЁШЖОН» – ЗАМОНАВИЙ ТАРБИЯ МАСКАНИ

Бухоро вилояти Жондор туманидаги «Қуёшжон» мактабгача таълим муассасасида 160 нафар ўғил-қиз замонавий шароитларда таълим-тарбия олмоқда.

Бу ерда мунтазам ташкил этилаётган «Биз — зукко болалармиз», «Болаларга беринг дунёни», «Кичкинтой —ширинтой», «Чет тилларини ўрганамиз», «Нутқ ва савод тайёргарлиги», «Биз Ватанни куйлаймиз» каби турли маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари жажжи ўғил-қизларнинг салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Суратларда: тарбияланувчи Рушана Рамазонова; тарбиячи Санобар Нуриддинова болалар билан машғулотда.

ЎзА фотомухбири
Тоҳир ИСТАТОВ олган суратлар

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳ таоло инсонни яратиб, руҳ билан бирга ақл-идрок бахш этган. Ақлли, ҳушёр инсонлар зиммасига атроф-муҳитни тоза ва покиза сақлаш ҳамда табиатни муҳофаза этишдек катта масъулиятни юклаган. Бу шарафли ишни инсон азалдан баҳоли қудрат адо этиб келади.

Она табиат барчамизники

зеро, уни асраб-авайлаш бизнинг зиммамиздадир

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» номли асарида шундай сатрлар бор: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади».

Ислом дини тарқалишининг илк даврлариданоқ табиат муҳофазаси, наботот ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилишга катта эътибор берилган. Уларни асраб-авайлаш барчамизнинг шарафли ва масъулиятли бурчимиздир. Наботот олами Аллоҳ таолонинг инсонлар учун ато этган улуғ неъматларидан бири бўлиб, бусиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада Қуръони каримда шундай баён қилинган: «Инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан бир) қараб қўйсин-чи! Биз (осмондан) сув-ёмғирни қуйдирдик. Сўнгра ерни (гиёҳлар билан) ёрдик. Сўнг Биз ундан дон-дунни, узум ва кўкатларни, зайтун ва хурмоларни, қалин дарахтзор боғларни, мева-чева-ю ўт-ўланларни сизлар учун ва чорва молларингиз учун манфаат бўлсин деб ундириб-ўстириб қўйдикку!» (Абаса, 24 - 32).

Аллоҳ таоло бизларни яшаб турган курраи заминимизни озода сақлаган ҳолда обод қилишга, Унинг берган неъматларини асраб-авайлашга буюриб, бузғунчилик қилишдан, атроф-муҳитга зарар етказишдан қайтариб, Қуръони каримда: «Ерни (Аллоҳ хайрли ишларга) яроқли қилиб қўйганидан кейин (унда) бузғунчилик қилмангиз!», — деган (Бақара сураси, 205-оят). Дарҳақиқат, тупроқ, сув, ҳаво ва бошқа нарсаларни тоза сақлаш, уларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик ва соғлиқ учун зарарли бўлган нарсалардан сақланиш кабилар шариатимизнинг буйруғидир. Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Учта жойга: сув ўзанларига, серқатнов йўлларга ҳамда соя-салқин ерларга ахлат ташлаб, лаънатга қолишдан қўрқинглар»*, — деганлар (Абу Довуд ривояти). Дарҳақиқат, ҳеч бир ориятли инсон ҳадисда зикр этилган ишларни қилишга ботинмайди, аксинча, бундай ишни қилаётган кишини кўрган вақтда дарҳол унга танбеҳ бериб, бундай қилиш ярамас иш эканлигини тушунтиради. Ҳозирги кунда барча ҳудудларда ахлат ташлаш учун алоҳида жойлар қурилган. Шундай экан, тартибқоидага риоя қилмоқ лозим, аксинча, ахлат ва чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаш мусулмончиликка ҳам, одамгарчиликка ҳам тўғри келмайди.

Инсон — Аллоҳ таоло яратган барча жонзотларнинг энг шарафли, азиз ва мукаррами бўлиши билан бирга зиммасида муҳим вазифалари кўп бўлган зотдир. Парвардигор Қуръони каримда марҳамат қилиб шундай дейди: «Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азизу мукаррам қилиб, уларни қуруқлик ва денгизда юрадиган қилиб қўйдик ҳамда ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик. Уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал — устун қилиб қўйдик» (Ал-Исро, 70).

Парвардигор инсонларнинг мўътадил ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун лозим бўлган моддий бойликларни яратиб қўйган. Она - табиатни муҳофаза этиш Ислом динининг таълимотларидан бири. Динимиз яшаб турган жойларимизни озода, ичимлик сувимизни беғубор, ўзимизни эса покиза тутишга буюради. Поклик инсон зеҳнини ва иродасини мустаҳкамлайди. Бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай деганлар: *«Аллоҳ таоло барча нуқсонлардан муназзаҳ ва бенуқсон нарсаларни дўст тутади. Унинг ўзи пок ва покизаликни хуш кўради. Унинг карами кенг, саховати чексиз, саховатли бандаларини дўст тутар. Шунинг учун ҳам, эй умматларим, хонадонингиз ва унинг атрофларини озода ва сариштa тутинглар!»*. Ёки: *«Покизалик ва поклик имоннинг ярмига тенг келади»*, десалар, яна бошқасида эса: *«Назофат чин имон аломатларидандур»*, дейдилар.

Асрлар бўйи мусулмонлар ариқ, дарё ва денгиз сувларини покиза сақлашни ўзларининг шарафли бурчлари, деб билганлар. Қуръони каримда Аллоҳ таоло уларни ифлослантирмасликка буюрган. Акс ҳолда, балиқлар ҳам нознеъмат ўрнига заҳарли моддаларга айланишини унутмайлик.

Демак, табиатга оид ҳар бир нарсани, яъни диёримиздаги ўсимлик, қушлар ва ҳайвонот оламини асрар эканмиз, улар келажак авлодларимизга биздан мерос бўлиб қолишини сира ҳам ёддан чиқармаслигимиз даркор.

Атрофимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларнинг барчаси Аллоҳ таолони танитувчи далиллардир. Шунингдек, ҳар куни умр дафтаримиздан янги бир саҳифа очилгани каби, атрофимиздаги оламнинг ҳам сурати ҳар куни янгиланади. Бу янгиланиш инсонни тафаккурга, яъни ўйлашга чорлайди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: «...Аллоҳ кеча ва кундузни айлантириб турар. Албатта, бунда кўз эгалари (оқиллар) учун ибрат бордир». (Нур, 44)

Кеча ва кундуз доим алмашиб туради. Бири узайса, иккинчиси қисқаради. Биз уларни кузатиб, умримизнинг ҳисобини шу кеча ва кундузлар билан ўлчаймиз. Маълумки, шу алмашиш жараёнида фасллар ҳам янгиланади. Фасларда оламнинг кўриниши ва сурати ўзгаргани каби инсонларнинг ҳам кийимлари, ейдиган таомлари, машғулотлари ҳам ўзгаради. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилади: «Кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ва Аллоҳ осмондан ёғдириб у билан «ўлган» ерни «тирилтирган» ризқ (ёмғир)да ҳамда шамолларнинг йўналтирилишида ақл юргизадиган қавм учун аломатлар бордир». (Жосия,5)

Қиш фаслида қор остида ётган ерни баҳор фаслида Аллоҳ таоло қайта тирилтиради. Агар Аллоҳ кеча ва кундузни айлантирмаса, осмондан сувларни тушириб ерни қайта уйғотмаса, ер юзида ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Ана шу қудратини эсга солиш учун баъзи диёрларга бир муддат сув туширилмай қўйса, ўсимликлардан тортиб чорва моллари ва ҳатто одамларгача ҳалокатга учраши мумкинлигининг хабарини оммавий ахборот воситаларидан эшитиб, ўқиб турамиз. Шунинг учун ҳар бир мусулмон атрофга ибрат назари билан қарамоғи ва унга яхши муносабатда бўлмоғи лозим.

Баҳор фаслидаги ўзгаришлар Қуръони каримда «тирилиш» деб ифодаланган. Инсонлар ҳам ушбу жараёнга ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Чунки, оламдаги барча нарсалар инсоннинг манфаати учун яратилган. Баҳор кўклам фаслидир. Ўша кунларда атроф-муҳит тозалигига яна бир карра эътибор бериш, хусусан, қабристонларда тозалаш ишларини амалга ошириш айни муддаодир. Шунингдек, бўш ерларга мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда турли хил гул кўчатлари экиб, маҳалла ва гузарларимизни янада кўкаламзор қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Албатта, бу ишлар кўпчиликка манфаатли бўлгани боис савоби ҳам мислсиздир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисда шундай дейилган: *«Қайси бир мусулмон киши бирор кўчат ёки экин экса, кейин ундан қуш ёки инсон ёхуд бирор жонивор еса, эккан одамга садақа савоби ёзилади.* (Имом Бухорий ривояти).

Демак, бизлар ўзимиз яшаб турган жойга ва маҳалла-кўйга турли дарахт кўчатларини экиб обод қилсак, бундан нафақат инсонлар, балки қушлар.» манфаат топади. Ҳадиси шарифда айтилишича, экилган ҳар бир дарахтнинг айтаётган тасбеҳи, ўша дарахтни эккан кишининг номаи аъмолига ёзилади ҳамда унинг мевасидан бошқалар еса ёки соясида ўтирса, эккан кишининг амал дафтарига садақа савоби ёзиб қўйилади.

Инсон ўз уйига қандай эътибор берса, теварак-атрофига ҳам шундай муносабатда бўлиши лозим. Чунки, бутун ер юзи инсонлар учун маскандир. Бунга қуйидаги оят далолат қилади: «Ва ерни тўшаб қўйдик. Биз қандоқ ҳам яхши тайёрловчидирмиз» (Ваз-Зориёт, 48).

Дарҳақиқат, биз дунёга келганимизда ҳаётимиз учун барча шароит тайёр эди. Ерни анвойи гуллар билан безатиб қўйган зот Аллоҳ таолодир. Атрофимизда эса, турли хил мевали ва манзарали дарахтлар оламнинг чиройига чирой қўшиб турганини кўриб кўзларимиз кувнайди. Ернинг тўшаб қўйилганлиги маъноси эса, у ҳаёт учун шундай мосланганки, кўрган киши Аллоҳнинг қудратига яна бир имон келтирмай иложи йўқ.

Тоҳо сурасида Аллоҳ таоло ерни шундай таърифлайди: «У Ерни сизлар учун бешик (қароргоҳ) қилиб қўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан турли ўсимлик навларини ундириб чиқардик» (Тоҳо, 53).

Гўдак учун бешик қандай қароргоҳ бўлса, ер ҳам инсон учун шундай қароргоҳдир. Унга ерни бешик қилиб, таомлантириб, ювиб-тараб турган зот Аллоҳ таолодир. Бундан ташқари, осмондан сув тушириб дарахт ва гиёҳларни ундириб қўйгандир. Кейинги оятда шундай марҳамат қилади: «Сизлар улардан енглар ва чорваларингизни боқинглар. Албатта, бунда ақл эгалари учун аломатлар бордир» (Тоҳо, 54).

Ушбу оятда Аллоҳ инсонларга хитоб қилиб, эй одамлар, ўша осмондан туширилган сув ёрдамида Аллоҳ чиқариб қўйган мевалардан ўзларингиз енглар. Ўша набототлар билан чорваларингизни боқинглар. Аллоҳ уларни сизнинг фойдангиз учун чиқарган демоқда.

Динимиз покликка, озодаликка буюрар экан, бунинг заминида инсоннинг саломатлиги ётади. Шу муносабат билан барчамиз яшаш жойларимизнинг ободлиги ва тозалиги йўлида биргаликда курашмоғимиз лозим.

Аллоҳ таоло юртимизни обод, хонадонларимизни осойишта, ҳаётимизни фаровон қилсин.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21.00
Topshirildi - 22.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 815 | 13970 nusxada bosildi | 1 2 3 5